

## Кирк бешинчи фасл. Юнусхоннинг Султон Абусаид мирзо кошидан иккинчи марта кайтиб келиши баёни.

Юнусхон Султон Абусаид мирзо кошидан Мўгулистонга иккинчи дафъа кайтиб келгач, мўгул амирлари тагин унинг атрофига жам бўлишди. Бир мунча муддат у Мўгулистонда яшади, Еттиканд унинг доимий турар жойи бўлиб колди. Бирок у Эсан Бугахон эгалик килган манзилларга кадам босолмади. Эсан Бугахон ва амир Саид Али вафот этишгач, хонлик Дўст Мухаммадхонга тегди. Мухаммад Хайдар мирзо билан Сонсиз мирзо ўртасида, зикр этиб ўтилганидек, душманлик пайдо бўлди ва Мухаммад Хайдар мирзо Оксувга, Дўст Мухаммадхон хузурига, Сонсиз мирзо эса Юнусхонга мадад сўраб боришди. Шу тарика Юнусхоннинг кучи кўпайди.
Ўша кунлари Юнусхон бир неча маротаба Кошгарга борди, бирок мўгул амирлари Кошгарда тўхташмагач, хар гал у кетишга мажбур бўлаверди. Бир неча бор шундай бўлди. Бу карама-карши вокеалар баёни устида муфассал тўхталсак, тасвир бехад чўзилиб кетади. Гапнинг лўндаси шуки, Юнусхон хамиша шахарда, уйларда яшашни хохларди, лекин мўгул амирлари ва лашкар шахардан кочишарди, шу боисдан хон Мўгулистонда яшашга мажбур бўлган.
Сонсиз мирзо ўлгач, Мухаммад Хайдар мирзо Юнусхон билан иттифок тузишга харакат килди. Шу орада Дўст Мухаммадхон хам ўлди. Юнусхон Оксувда пайдо бўлди-да, Дўст Мухаммадхоннинг барча кишиларини ўзига бўйсундирди. Дўст Мухаммадхоннинг ўгли Кебек султон Ўглонни айрим мехрибон одамлари ўгирлаб, Турфонга олиб кетишди. Юнусхон Оксувда колмокчи бўлди, негаки Мўгулистонга нисбатан Оксув кўпрок шахарга ўхшаган, лекин агар бу ерда колсам, одамлар Кебек султон Ўглонга ўтиб кетишади, бу мўгулларнинг юриш-туришидан билиниб турипти, деган фикрга бориб, хон барча одамларини олди-да, Мўгулистонга кетди.
Ўша пайтда Мўгулистонга Эсан Тойшининг ўгли Амасанжи Тойши келган эди, улар хакида Увайсхон  хаёти баёнида эслатган эдик. Унинг келишининг сабаби бундай бўлган. Айтиб ўтганимиздек, Эсан Тойши хоннинг жони бадалига Увайсхоннинг синглиси Махтум хонимга уйланди. Махтум хоним Эсан Тойшидан икки ўгил, бир киз кўрди. Увайсхон синглисини эрга бераётиб, куёвини исломга киргизган, Махтум хонимни мусулмончилик удумлари бўйича узатган бўлиб, Махтум хоним ўз фарзандларини  мусулмон килиб, ўгилларига Иброхим ва Илёс деб исм кўйган. Кизини юкорида айтилган амир Каримбердининг ўгли Кодирберди мирзога узатган. Гапнинг пўсткалласи шуки,

мусулмончилик туфайли Иброхим Ўнг ва Илёс Ўнг  билан Амасанжи Тойши ўртасида кураш бошланди. Амасанжи улардан кочиб, уч юз минг киши билан Мўгулистонга келди, яна юз мингтадан киши Иброхим Ўнг ва Илёс Ўнг билан колишди. Охири улар билан калмок хони ўртасида душманлик пайдо бўлиб, улар калмок хонидан кочиб, кирк мингтадан лашкар билан Хитойга келишди.
Ака-укалар орасидаги келишмовчилик Дўст Мухаммадхоннинг ўлимидан олдин бошланди. Дўст Мухаммадхон 873 (1468-69) йилда вафот этган бўлса, Иброхим Ўнг билан Илёс Ўнг Хитойга 910 (1504-1505) йилда кетишди. Иккови хам Хитойда вафот этишди. Иброхимдан Бобулай исмли бир ўгил колган бўлиб, унинг авлодлари ўша жойларда хозир хам яшашади, ўша кавмнинг номи хам унинг номи билан «бобулай» деб аталади. Мансурхон Хитойга бостириб борганда шу кавм билан урушган. Бу Мансурхон хакида сўз юритилганда баён килинади.
Амасанжи Тойши Иброхим Ўнг ва Илёс Ўнгдан ажралиб, Мўгулистонга келди. Юнусхон хам мўгулларни Оксувдан кўчириб, Мўгулистонга келди. Ила дарёси якинида бўлган жангда Юнусхон енгилди. Мўгул амирларининг кўпчилиги ўша жангда шахид бўлишди ва калмокларнинг боскинчилиги туфайли бутун мўгул улуси Туркистонга кетди. Туркистон худудида, Сайхун дарёси бўйидаги Каротўкай деган жойда кишлашди.
Буруж Ўглон Туркистонга, кейин мўгулларга хужум килди, бу хакда кейинрок тўхталамиз.

---

**Кирк олтинчи фасл. «Зафарнома»дан: Бу фоний оламда содир бўлган кизикарли вокеалар. Юнусхоннинг тахтга чикиши ва Буруж Ўглон ибн Абулхайрхон ўзбекнинг ўлдирилиши баёни.**

855 (1451-1452) йилда Чингизхон ўгли Жўжихоннинг юрти Дашти Кипчокда Жўжи наслидан Абулхайрхон подшох бўлган. Ўша даврда ул юртларда унингдек буюк подшох бўлмаган. У вафот этгач, одамлари ўртасида бошбошдоклик бошланди ва кўплари Кирайхон билан Жонибекхон козоклар тарафга ўтиб кетишди, бу хакда юкорида тўхталган эдик. Кирайхон ва Жонибекхон хамда Абулхайрхоннинг ўгиллари ўртасида аввалдан каттик адоват хукм суриб келган. Шу сабабли Абулхайрхоннинг ўгиллари мўгул хонларига душманлик кўзи билан карашган, негаки мўгул хонлари Кирайхон билан Жонибекхонларга хомийлик килишган. Абулхайрхоннинг вафотидан сўнг унинг ўгиллари ва тобе кишилари Абулхайрхоннинг катта ўгли Буруж Ўглон атрофига тўпланишган. Негаки Кирайхон билан Жонибекхонлар кучайишган бўлиб, Буруж Ўглон улардан ўзини тортиб, Туркистон атрофларида турган. Мўгулларнинг Туркистонга келганини эшитиб хамда Юнусхоннинг Каротўкайда эканлигини аниклаб, Буруж Ўглон хон кароргохига хужум килган. Иттифоко ўша куни Юнусхоннинг барча одамлари Сайхун дарёсининг нариги киргогида овда бўлишган. Туш пайти Буруж Ўглон муздан ўтиб келса, хон кароргохи бўм-бўш бўлган. Унинг лашкари бор-йўги йигирма мингта бўлган. Буруж Ўглон аскарлари кароргохга ўрнашиб олишиб, эгасиз уйнинг хўжайинига айланишган. Буруж Ўглон хон ўрдасини эгаллаган ва унинг бутун нарсаларини талаб кўлга киритишга киришган. Хар бир жангчи уйларга кириб шундай иш билан машгул бўлган.
Юнусхонга бу хабар етганда у овда бўлган. Хон овни ташлаб, хатто лашкар жамлаб хам ўтирмай, кароргохга жўнаган. У дарё сохилига етган, дарё муз билан копланган, ўрда

эса нариги сохилда бўлган. Хон ўзи сурнай чалишни биларди. Хеч ким хончалик сурнай чала олмас эди. Хамма хон сурнайининг овозини таниган. Хон олти киши билан келган. Улардан бири байрокдор бўлган. Хон сурнай чала-чала дарёдан ўтган. Уйларни эгаллаб олган ўзбекларнинг хар бирини аёллар дархол тутиб олишган.
Буруж Ўглон сурнай овозини эшитиб, байрок кўтарган олти кишининг келаётганини кўргач, жойидан иргиб туриб отга минмокчи бўлган, бирок унинг отбокари ва отини чўри аёллар тутиб олишган, аёллар хам уйдан югуриб чикишиб, Буруж Ўглоннинг ўзини хам тутишган. Шу лахзада хон етиб келиб, дархол бошини кесиб, найзага санчинглар, деб буюрган. Йигирма минг ўзбекдан кутулиб кетгани кам бўлган. Хон уларни енгиб, ўз кароргохига ўрнашган. Эртасига лашкар жамлангач, уларнинг изидан тушган. Абулхайрхон султонларининг тирик колганлари таркалиб кетишган, улар хакида турли фаслларда алохида сўз юритамиз.

---

## Кирк еттинчи фасл. Шайх Жамол билан боглик вокеалар ва Юнусхоннинг унинг кўлига асир тушганининг баёни.

Юнусхон кишни Каротўкайда ўтказиб, бахорда Тошкандга келди. Тошкандда Султон Абусаид мирзонинг амирларидан бири Шайх Жамол Хар исмли амир бор эди. Ўша пайтда Султон Абусаид мирзо Ирокда вафот этган, Хиротдаги хокимият Султон Хусайн мирзо кўлида, Самарканд эса Султон Ахмад мирзо ибн Султон Абусаид мирзо кўлида, Хисор, Кундуз ва Бадахшон Султон Махмуд мирзода, Андижон ва Фаргона Султон Абусаид мирзонинг навбатдаги ўгли Умаршайх мирзо кўлида карор топган эди. Бу уч мирзоларнинг барчасини Юнусхон ўзига куёв килди, уларнинг хаётлари фурсати билан баён килинади. Кискаси, ана ўша, Султон Абусаид мирзонинг амирларидан бири Шайх Жамол Хар Тошканд хокими бўлган, ўзини Самарканд хукмдори Султон Ахмад мирзога тобе хисоблаган, бирок унга керакли даражада итоат килмаган.
Юнусхон Тошканд тарафга келди. У яйлов кидириб, Мўгулистонга боролмади, ўзи енгилган калмоклардан кўркди. Хон ва эслатиб ўтилган мирзолар ўртасидаги ишонч хамда оталик ва ўгиллик муносабатлари туфайли улар хеч бир хавотирликсиз борди-келди килиб туришарди.
Бу сафар хам хон Тошканд тарафига хеч бир эхтиёткорликларсиз келаверди. Хоннинг хизматида бўлган мўгуллар хуфиёна одам жўнатиб, Шайх Жамол Харни хонга карши гиж-гижлашди. Кўп режаларни кўнглига тугиб, Шайх Жамол гўё хонга иззат-икром кўрсатмокчи бўлгандек унинг истикболига юрди. Шайх Жамол хонга якинлашганда, хон ёнидаги одамлар Шайх Жамол томонга кетишди. Хон ёлгиз колди. Бу одамлар каёкка кетишди, деб у кимдан сўрамасин, хамма: «Шайх Жамолни кутиб олишга кетишди» деб жавоб беради. Шайх Жамол хоннинг байроги ва ногорасига якин келди, аммо отдан тушмади. Ўша пайтда хоннинг ёнида хеч ким йўк эди. Шайх Жамол хонни тутишга одам юборган ва уни тутиб олишган. Эхтимол, ўз мулозимлари тутишгандир. Шундай килиб Шайх Жамол Хар Юнусхонни осонгина кўлга олиб, камаб кўйди. У бир йил камокда ётди. Бутун мўгул улуси Шайх Жамол кўлида колди.
Хоннинг хотини, фарзандларининг онаси Эсан Давлат бегим, у хакда юкорида хам тўхталган эдик, ўша пайтда Султон Ахмад мирзога узатилган Мехр Нигор хонимнинг ва Умаршайх мирзога узатилган Кутлук Нигор хонимнинг онаси эди. Ана шу Эсан Давлат

бегимни, иккита маликаларнинг онасини, Шайх Жамол Хар (эшак) ўзининг энг якин кишиларидан бирига тортик килди. Буни бегимга маълум килганларида, у хеч бир эътироз билдирмаган, аксинча, индамай рози бўлган. У одамнинг оти Хожа Камол Калон бўлган. Унга бегимнинг рози бўлганини айтишган, у хурсанд бўлиб, кечаси бегим ёнига келган.
Хожа Камол Калоннинг мулозимлари ташкарида туришган, ўзи ичкарига кирган. Бунгача у чўриларига, «Агар у ёлгиз ўзи кирса эшикларни махкам бекитиб тутиб олинглар, деб тайинлаган. Чўрилари эшикларни махкамлашганини билгач, бегим чўрилари билан бирга Хожа Камол Калонга ташланиб, ушлаб олишган-да, пичокча ва дук санчиб-санчиб ўлдиришган. Эрталаб мурдани ташкарига чикариб ташлашган. Одамлар мурдани кўргач, бориб вокеани Шайх Жамол Харга билдиришган. Шайх Жамол бегим хузурига одам юбориб, тушунтириб беришини сўраган;  Бегим: «Мен Юнусхоннинг хотиниман, Шайх Жамол Хар мени бошка одамга тортик килди. Бу иш Мухаммад шариатида ва мусулмончиликда равоми? Хожа Камол Калоннинг ифлос кўли менинг пок этагимга тегмасин», деб уни ўлдирдим. Шайх Жамол Хар хам энди мени ўлдирсин» дейди. Шайх Жамол бегимга хадсиз-хисобсиз офаринлар айтиб, уни иззат-икром билан хон ёнига жўнатган.
Хон камалганидан сўнг бир йил ўтгач, амир Каримберди дўглатнинг жияни амир Абдулкуддус, бир гурух одамлари билан тил бириктириб, Шайх Жамолга хужум килди, уни ўлдириб, бошини Юнусхонга олиб келди. Хонни камокдан озод килди. Аввал Шайх Жамолга кетиб колган мўгул амирлари Юнусхонга бош эгиб келишди ва: «Итоат этмаганимизнинг сабаби шуки, хон бизни шахар ва вилоятларда яшашга ундайди, биз шахар ва вилоятларда яшашга одатланмаганмиз» дейишди. Хон хам ўз килмишидан пушаймон бўлди ва бундан буён шахар ва вилоятларни орзу килмаслигини айтди. Бу вокеа содир бўлган вакт шундай битилган «Абдулкуддус келди эшак (хар)нинг бошини олиб». Ушбу тарих жумбок тарзида тузилган, яъни «Хар» сўзининг биринчи харфи «Абдулкуддус» сўзига кўшилса, харфларни сонлар билан белгиланса, тарих хисоби хижрий саккиз юз етмиш етти, милодий 1472-1473 бўлади.

---

## Кирк саккизинчи фасл. Шайх Жамол Хар ўлдирилгач, Юнусхон билан Мовароуннахр шохлари ўртасида бўлиб ўтган вокеалар баёни.

Юнусхон хонлик тахтига кайтадан ўтиргач, барча мўгуллар ва амирлар бундан кейин уларни шахар ва вилоятларда яшашга ундамасликка сўз беришини сўрашди, чунки барча низою келишмовчиликларнинг сабаби шунга бориб такалган эди. Хон сўз беришга мажбур бўлди ва Мўгулистонга келди. Амасанжи Тойши ва калмоклар ўз юртларига кетишди ва Мўгулистон калмоклардан халос бўлди.
Юнусхон Мўгулистонда бир неча йил бўлди, хеч качон шахар ва унинг уйларини орзу килмади, шу тарика мўгул халки хонга яхши муносабатда бўлиб, доим итоат килди. Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарда эди ва доимо хонга итоат килишни ўз бурчи деб билди. Хон хам унга нисбатан хонлик мехрини кўрсатиб, оталарча гамхўрлик килди. Мўгулистон ва Кошгарда тинчлик ва хотиржамлик хукм сурди.
Юнусхон Мўгулистонга келгач, Дўст Мухаммадхоннинг ўгли Кебек султон Ўглонни Турфонга олиб кетган мулозимлари уни ўлдириб, бошини Юнусхонга олиб келишди.

Гарчанд Кебек Султон хоннинг душмани бўлса-да, биродарлик юзасидан унга аза тутиб, унинг котилларини жазолашни буюрди. Хоннинг энди бошка хеч каерда ракиблари колмади.
Юнусхон Буруж Ўглонни ўлдиргач, катта кизи Мехр Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўгли Султон Ахмад мирзога узатди. У илгари шундай деган: «Султон Абусаид мирзо мўгуллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантирди, мен эса шу дўстликни кариндошликка айлантираман. Агар киз фарзандим бўлса, Султон Абусаид мирзонинг ўглига бераман». Султон Ахмад мирзо умрининг охиригача Мехр Нигор хоним унинг харамида колди. Мехр Нигорхоним хаётининг баёни ушбу «Тарих»нинг иккинчи китобида келтирилади.
Шайх Жамол ўлдирилгандан кейин 880 (1475-1476) йилда Мўгулистонга келгач, Юнусхон иккинчи кизи Кутлуг Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўгли Умаршайх мирзога берди. Хон билан Умаршайх мирзо ўрталарида шундай самимият бўлганки, бунакаси хатто ота-ўгил ўртасида хам кам учрайди. Умаршайх мирзо бир неча марта Мўгулистонга бориб, у ерда бир-икки ойлаб колган. Баъзан у хонни Андижонга чорлар, хон хам бир-икки ойлаб Умаршайх мирзо хонадонида турган. Ўша кунлари Умаршайх мирзо хонни Самаркандга юриш килиб, Самарканд тахтини Султон Ахмад мирзодан, хоннинг катта куёвидан тортиб олишга ва уни Умаршайх мирзога беришга тинмай гиж-гижлаган. Лекин хон рози бўлмаган. Бу орзунинг хабари Султон Ахмад мирзога етгач, у хар гал Умаршайх мирзога карши кўшин тортишга уринган. Умаршайх мирзо хонга кўмак сўраб мурожаат килган. Хон келганда, Умаршайх мирзо унга ўз вилоятларидан баъзиларини берган. Шу боисдан Султон Ахмад мирзо акасига карши юриш килолмаган. Бу холат бир неча марта такрорланган.
Охири шундай бўлдики, хон хар кишда Андижонга келар, мўгул улуси Мўгулистонда коларди. Хон эса ўзига якин хизматкорлари билан Андижонга келарди. Умаршайх мирзо ўз вилоятларидан хонга маъкул бўлганини унга берарди. Бахор келгач, хон Мўгулистонга кетарди, Мирзо эса яна ўз вилоятининг эгаси бўлиб колаверарди. Бир гал Умаршайх мирзо акаси Султон Ахмад мирзодан хавфсираб, Юнусхонни чорлаб, унга Ахсини берган. Хон Ахсида кишлашга жазм килган. Бу хакдаги хабар Султон Ахмад мирзога етгач, у юришни бекор килган.
Умаршайх мирзо Султон Ахмад мирзонинг хужум килмаслигидан хотиржам бўлгач, хоннинг Ахсида ўтириши унга алам килди. Чунки Ахси Фаргона вилоятидаги энг катта шахар бўлиб, шахарларнинг онаси хисобланарди. Шу сабабдан у Юнусхонга карши кўзгалди ва Така Секретку деган жой кўприги якинида жанг бўлди. Хон мирзога канча насихатлар килмасин, фойдаси бўлмади. Охири жанг килишди ва Мирзо енгилди. Мирзони тутиб боглаб, хон кошига олиб келишди. Хон ўрнидан туриб, унинг ёнига борди-да, кўлларини ечди. Дархол Мирзога совга-саломлар бериб: «Тезрок оркангга кайт, ўз одамларинг орасида хам тартибсизлик бошланмасин тагин, мен хам изингдан уйингга бораман» деди-да, Андижонга жўнатиб юборди.
Умаршайх мирзо Андижонга кетгач, хон мўгул улусига Мўгулистонга кетишга рухсат берди, ўзи эса оиласи ва бир нечта якинлари билан Андижонга борди. Икки ой Умаршайх мирзо хонадонида мехмон бўлди ва улар ўртасидаги келишмовчиликлар бархам топди. Бошка сафар Мирзо хонни чорлаб Маргилонни берди. Хон Маргилонда пайтида у ерга накшбандия тасаввуф тарикатининг асосчиларидан бири, Хак йўлини танлаган, бандаларга хидоят йўлини кўрсатадиган киблагохи Хазрат Хожа Носириддин Убайдуллох (Аллох гўрини нурафшон килсин), Умаршайх мирзо билан Султон Ахмад

мирзолар хамда хон орасида яхши муносабатларни йўлга кўйиш максадида ташриф буюрди.
Ишончли одамлардан кўп бора эшитганим борки, Эшон хазратлари (Илохо гўрлари нурга тўлсин) Маргилонга келганларида барча мўгуллар ва бошка одамлар ул зотнинг истикболига чикишди. Эшонга бехад эътикодлари ва хурматлари туфайли мўгуллардан бирор киши хам унинг дуосини олиш имконидан четда колмади. Эркаклар ва аёллар гурас-гурас келишди. Улар узокданок отдан тушиб, отларини бир чеккага боглаб, ерга бош кўйганча йўл чеккасида тўхташарди. Эшон хазратлари олдиларидан ўтиб кетганлари захоти одамлар ўша йўл тупрогини олиб кўзларига суришарди. Юнусхон Эшонни кутиб олишга ёлгиз ўзи борди. Эшон якинлашганда хон отдан тушди-да, отини бир жойга боглаб, лаъл товокдай юзини кора тупрокка кўйиб турди. Эшон хазратлари якинлашиб келганларида Эшоннинг хонни танийдиган муридларидан бири: «Мана шу Юнусхон бўлади» деди. Эшон хазратлари изтироб билан отдан тушиб, хоннинг бошини ердан кўтариб, уни дуо килдилар. Мен факир банда махдуми иршод Мухаммад Кози хазратлари (Аллох уни рахмат килсин)дан эшитиб эдимки, Эшон хазратлари Маргилонга келганда айтган эканлар: «Мен Юнусхонни мўгул деб эшитгандим ва мўгулларни соколсиз, киликларини сахройилардек тасаввур килар эдим. Аммо хонни кўрганимда фикрим ўзгарди. У соколли, хуштавозе, хушмуомала, очик чехра киши экан. Бундай назокатли ва зукко муомалали киши кам топилади. Бундай киши донишманд Мирзо Улугбеккача ва ундан кейин хам бўлмаган». Кискаси, Эшон хазратлари хонни кўргач, атроф-теваракдаги подшохларга киши ва хат жўнатиб: «Мен Юнусхон-мўгулни кўрдим, бундай хонга тобе кишиларни кул килиб бўлмайди,  улар мусулмонлардир» дея тайинлаганлар. Шундан сўнг Мовароуннахр ва Хуросонда хеч ким мўгулларни бошка кофирлардек кул сифатида сотмаган ва сотиб олмаган.

---

## Кирк тўккизинчи фасл. Мухаммад Хайдар мирзонинг Кошгардаги хукмронлиги баёни.

Амир Саид Алининг ўгли Сонсиз мирзо вафот этгач, Кошгарда амир Саид Алининг кичик ўгли Мухаммад Хайдар мирзо хукмронлик кила бошлади, бу хакда айтиб ўтилди. Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарга келиб, Дўст Мухаммадхон ўлгач, Юнусхон мўгул улусини Мўгулистонга олиб кетди ва у ерда Буруж Ўглон хамда Шайх Жамол Хар билан боглик вокеалар бўлиб ўтди, бу хакда хам тўхталдик. Шундан сўнг, Юнусхон мўгулларнинг истак-хохишларини деб шахар ва вилоятларда яшашдан воз кечди. Мухаммад Хайдар мирзо хам Кошгарда туриб хонга итоат килди, хон хам унга ўз ўглидек каради.
869 (1464-1465) йилдан то 885 (1480-1481) йилгача Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарда тинчлик ва рохат-фарогатда кун кечирди. Унинг Кошгардаги хукмронлик даври хаммаси бўлиб йигирма тўрт йилни ташкил этади, шундан ўн олти йилида у мустакил бўлган, колган йилларда тобе бўлган.

---

## Эллигинчи фасл. Абобакр мирзо хукмронлиги ва хаётининг ибтидоси баёни.

Сонсиз мирзо оламдан ўтгач, Дўст Мухаммадхон Ёркандга келди ва Сонсиз мирзонинг хотинини ўз никохига олди. Сонсиз мирзонинг катта ўгли Абобакрни ўзи билан Оксувга олиб кетди. Бироз фурсат ўтгач, хон унга синглиси Хусн Нигор хонимни берди. Бирок Абобакр мирзо Дўст Мухаммадхоннинг бетайинлиги туфайли кочиб, Кошгарга, амакиси Мухаммад Хайдар мирзо кошига кетди. Дўст Мухаммадхон унинг изидан Кошгарга Хусн Нигор хонимни хам жўнатди, бу хакда юкорида зикр килинди.
Абобакр мирзо Мухаммад Хайдар мирзо хизматида бўлган вактда у шижоатли ва саховатли, табиатан бехад жасур ва баходир йигит эди. Унинг бўйи шу кадар узун бўлганки, агар у юзлаб пиёда одамлар орасида келаётган бўлса, уни кўрган одам, отлик гумон килган. Мухаммад Хайдар мирзонинг ота-боболари подшох ўтган бўлса-да, яхши жангчининг кадрини билмади. Амир Саид Али саксон йиллик умри давомида атрофига тўплаган эътиборли амирлар ва лашкарбошиларнинг кўпи Мухаммад Хайдар мирзо даврида ўлиб кетишди, тирик колганлари хам бирон бир ишни бажаришга кодир бўлишмади. Ўша лашкарбошилар ва амирларнинг ўгиллари хамда набиралари Мухаммад Хайдар мирзога ўзларини якин тутишмади. Амирларнинг барча ўгиллари ва набиралари Абобакр мирзога хизмат килишни хохлашди. Бу вокеаларнинг тарихи узун. Колаверса, у пайтда яшаган одамларни хозир йигирма йиллик муддат ажратиб туради, улардан деярли хеч ким колмаган, ўша даврда маълум бўлган вокеалар хам карама-карши фикрлар ичида аралашиб, унутилиб кетган.
Шундай килиб, Абобакр мирзо Мухаммад Хайдар мирзодан кочиб, Ёркандга борди ва Ёрканд хокимига аллакандай ёрлик кўрсатиб, хийла билан Ёркандни эгаллади. У Мухаммад Хайдар мирзо кошига одам юбориб, унга итоат этишини маълум килди. Мухаммад Хайдар мирзо хам унинг узрини кабул килди.
Абобакр мирзо хизматига амирларнинг ўгиллари ва йигитларидан уч минг киши жам бўлди. Бу орада унинг Кошгардаги укаси Умар мирзо хам акаси ёнига келди. Икки ака-ука биргаликда ўша жойларни эгаллаш учун харакат килишди. Улар Хўтанни эгаллашни режалаштиришди ва шунга тайёргарлик кўришди. Модомики гап шу мавзуга келган экан, шу ўринда Хўтан хамда унинг хукмдорлари хакида тўхталишга тўгри келади.

---

## Эллик биринчи фасл. Хўтан мирзоларининг баёни.

Хўтан – машрик заминнинг энг машхур шахарларидан бири. Хўтаннинг тарихий битикларда ва бошка китобларда мавжуд тўлик тасвири иккинчи китобда келтирилади. Дўглат кавмининг хукмронлиги амир Худойдод (Аллох уни рахматига олган бўлсин)га ўтгач, баён килиб ўтилганидек, дўглатларга тегишли барча ер-мулкларни у ўгиллари ва ака-укаларига мерос килиб берди. Чунончи, Кошгар ва Ёркандни кичик ўгли Саид Ахмад мирзога берди. Амир Худойдоднинг Илёсшох ва Хизршох исмли иккита тугишган укалари бўлган. Илёсшохга Оксувни, Хизршохга Хўтанни берди-да, иккаласини хам Саид Ахмад мирзога, уларни ўша ўринларга тайинлаш ва бўшатиш хукукларини хам Саид Ахмад мирзо ихтиёрига топширди. Иккала ака-укалар, бошка мулозимлар сингари, хар йили мирзо хизматига келиб, ундан рухсат теккач, ўз вилоятларига кетишган. Амир Саид Али Оксувни Эсан Бугахонга берган вактда, Эсан Бугахон хизматида Илёсшохнинг набираларидан бири, тагин Илёсшох исмли йигит бўлган, Дўст Мухаммадхон давригача Оксув калъаси унинг ихтиёрида сакланган. Амир Саид Алидан кейин Хўтанда Хизршох

мирзо авлодларидан иккита ака-ука ўтиришган, бирининг исми Хонназар мирзо, иккинчисиники Кулназар мирзо бўлган.
Хонназар мирзо куч-кудрати жихатидан ўзини Абобакр мирзога, хатто амир Саид Алига тенг тутарди. У мустакилликка талабгор бўлган ва кадимдан сакланиб келган Кошгарга тобеликдан бош тортган, аксинча, уларни ўзига итоат килдиришни истаган.
Абобакр мирзо Мухаммад Хайдар мирзодан Хўтанни бўйсундиришга рухсат сўраган, чунки Хонназар ва Кулназар Кошгарга итоат килишдек ота мерос мажбуриятдан бош тортишган.
Мухаммад Хайдар мирзо хам улардан ранжиган, шунинг учун нафакат рухсат берган, балки ўзи хам бу ишга ундаган. Абобакр мирзо хотиржам Хўтан ишлари билан шугулланишга киришган.
Хонназар мирзо темирдан бир асо килдирганки, бошка киши уни икки кўли билан кўтарган. От хам, сигир хам, ниманики шу асо билан урса, албатта йикилган. Унинг укаси Кулназар мирзо эса гоятда юмшок, камсукум йигит бўлган. Ана шу икки ака-ука тахтга даъвогар бўлишган.

---

## Эллик иккинчи фасл. Абобакр мирзонинг Хўтанни олиши ва Хўтан мирзоларининг йўк килиниши баёни.

Абобакр мирзо Хўтанни олмокчи бўлиб юрган кунларда Умар мирзо у билан бирга эди, унга акасининг килаётган иши ёкмай, унга карши чикмокчи бўлди. Буни Абобакр мирзо билиб колгач, бир йўлини килиб уни тутиб олиб, кўзини кўр килиб, Мухаммад Хайдар мирзо кошига жўнатди. Кошгар вайрон бўлгач, Умар мирзо Самаркандга кетди, у ерда бир неча йил туриб, 921 (1515-1516) йилда Кошгарга кайтиб келиб, шу ерда вафот этди. Амир Саид Алининг макбарасида дафн килинди.
Хуллас, Абобакр мирзо укасидан кутулгач, Хўтанга юриш килди. Дастлаб у сулх тузиб кайтиб келди. Иккинчи марта хам ишни тинчлик билан хал килишди, отда икковлари бир-бирлари билан учрашишди. Сулх шартлари мухокама килингач, бунга Куръони Каримни ўртага кўйиб  касам ичишди. Мулозимлар билан келишилганидек, Абобакр мирзо Куръонни ишончли одамларидан бирига бериб, уни Хонназар мирзога беришни буюрди, Хонназар мирзо уни олиш учун кўлини узатганида халиги одам Хонназар мирзонинг иккала кўлига ёпишди, шу пайт Абобакр мирзонинг аввалдан келишиб олиб тайёр бўлиб турган мулозимлари хар тарафдан унга килич билан ташланишди. Хонназар мирзо учун бу кутилмаган ходиса бўлди, Хонназар мирзонинг мулозимларида эса уларга ташланиш имконияти бўлмаган ва улар кочиб кетишган. Кулназар мирзони тутишга тайинланган бир неча одамлар уни ушлаб кўлларини боглашган ва шу тарика иккала биродарни шамшир зарби билан бу дунё ташвишларидан халос этишган. Ана шундай хийла билан Абобакр мирзо Хўтандан уларнинг уругини куритиб, Хўтанни эгаллади. У тўлик куч-кувватга эга бўлиб, амакиси Мухаммад Хайдар мирзога карши кўзгалди.

---

## Эллик учинчи фасл. Абобакр мирзонинг Мухаммад Хайдар мирзога нисбатан ишлатган хийласи ва Абобакр мирзо сўзига кириб Мухаммад Хайдар мирзонинг ўз

**амирларини четлатгани баёни.**

Юкорида зикр килинганидек, Сонсиз мирзо ўлгач, Дўст Мухаммадхон унинг хотини Жамол Огони никохига олди ва Кошгарни Мухаммад Хайдарга берди. Бу вокеалар 869 (1464-1465) йилда бўлиб ўтган эди.
Дўст Мухаммадхон ўлгач, Мухаммад Хайдар мирзо Жамол Огога уйланди, Жамол Ого Абобакр мирзо билан Умар мирзонинг онаси эди. Мухаммад Хайдар мирзо Жамол Огодан иккита ўгил кўрди – Мухаммад Хусайн Кўрагон ва менинг амаким Саид Мухаммад мирзо.
Абобакр мирзо Хўтанни олиб, куч-кувватга эришганида амирлар унинг ишини кўп мулохаза килишиб, Мухаммад Хайдар мирзога айтишди, Абобакр мирзонинг ишлари бошдан охир зўравонлик устига курилган, у хеч кимга вафо килмаган. Чунончи, у Ёркандни ўгирлик йўли билан олган-да, номакбул узрларни айтди; Умар мирзонинг кўзини кўр килди; Хонназархон билан Кулназархонни ўлдирди – шундай одамдан кандай килиб садокат кутиб бўлади? У мудом Кошгарни орзу килади. Унинг бутун фикри-зикри ўша ерларни бирлаштириб олишга каратилган. Амирлар бу хакда канча кўп гапиришмасин, Мухаммад Хайдар мирзо жиянига мехрибонлик туфайли бу гапларга эътибор килмаган. Унинг хотини Жамол Ого, фарзандларининг, шу жумладан, Абобакр мирзонинг онаси хам: «У сизнинг ўглингиз. Ёркандни сизнинг амирларингиздан бири бошкаради. Ёрканд унинг отасининг пойтахти бўлган, бунга унинг хакки бор, сиз эса Ёркандни унга бермасдингиз, сизнинг химоянгизга суяниб, ўзи бунга журъат килди. Амирлар уни сизга ёмонлашмаса нима бўларди? Хўтанга барибир бошка одам эгалик килаётганди, бошка одам ўрнида у турса, бунинг нимаси ёмон?» деб гап уктирган. Абобакр мирзонинг хар бир килмишини онаси худди шундай оклайверган, шу билан Мухаммад Хайдар мирзо то Абобакр мирзо унга бўйсунмаслигини очикчасига намойиш килмагунича хотиржам юраверган. Шунда Жамол Ого, у амирлар туфайли душманлик килмокда, чунки амирлар уни сизга ёмон килиб кўрсатишмокда, деган гапни айтган. У яширинча Абобакр мирзога: «Сенинг душманлик килаётганинг сабаблари хакида, сени оклаб шундай-шундай дедим» деб хабар юборган.
Бу сўзлар Абобакр мирзонинг истакларига хамоханг бўлиб, у хам Мухаммад Хайдар мирзога киши юбориб: «Мана шу амирлар бор экан, мен сизга хизмат килолмайман, чунки улар сизнинг назарингизда мени гунохкор килишди. Агар сиз амирларни хайдаб юборсангиз, мен нафакат сизнинг ўглингиз, балки кулингиз бўламан, деган сўзларни айтган».
Мухаммад Хайдар мирзо соддадиллиги туфайли бу ёлгон сўзларга ишониб, амирларини таркатиб юборди, мўътабар амирларини четлаштиргач, унинг кувват ва шавкати синиб, Абобакр мирзо Кошгар вилоятига хамда Янги Хисорга хужумлар уюштирди.
Улуг амирлар четлаштирилгач, хеч ким давлат чегараларини кўриклай олмади.

---

**Эллик тўртинчи фасл. Юнусхоннинг Мухаммад Хайдар мирзо хузурига Абобакр мирзога карши ёрдамга отлангани ва уларнинг маглубияти баёни.**

Аввал айтиб ўтилганидек, амир Абдулкуддус Шайх Жамол Харни ўлдириб, Юнусхонни банддан озод килган эди. Шу сабабдан хон унга чексиз мархаматлар кўрсатиб,

«Кўрагон» унвонини берди ва дўғлатларнинг барча мансабу туманларини тортик килди. Бундан у гурурланиб, гердайиб кетиб, хон билан шундай муносабатда бўлдики, муносабатидан ўзи хам кўркиб кетди. Бунинг тафсилоти жуда узун, гапнинг кискаси шуки, у Юнусхондан кочиб, Кошгарга Мухаммад Хайдар мирзо кошига кетди. Бу пайтда Мухаммад Хайдар мирзо амирларини таркатиб юбориб, ишлари жуда ёмон ахволда эди. Амир Абдулкуддус келгач, у амирни илтифот билан кутиб олиб, унга кизи Ого Султон бегимни никохлаб берди ва унга катта гамхўрликлар кўрсатиб, Абобакр мирзога карши кўйди. Амир Абдулкуддуснинг ўзи хам Абобакр мирзога карши кайфиятда эди.
Кискаси, бир куни Абобакр мирзо Янги Хисор кентларига хужум уюштирди. Амир Абдулкуддус унга карши чикиб, бехисоб жанглар ва каттик уринишлардан кейин Абдулкуддус енгилди, холбуки унинг лашкари Абобакр мирзоникига нисбатан бехад кўп эди. Амир Абдулкуддус шарманда бўлиб, Мухаммад Хайдар мирзо ёнига ортик кайтолмай, ўзини кисмат кўлига топширади-да, Бадахшон томонларга йўл олди. Уч юзта одами билан Султон Махмуд мирзо хизматига борди. Султон Махмуд мирзо уни иззат-икром билан кутиб олиб, унга Бадахшон ва Кундузнинг энг катта вилоятларидан Хост вилоятини берди. У ўша ерда катур кофирлари кўлида шахид бўлди.
Амир Абдулкуддус кетгандан кейин Абобакр мирзонинг куч-куввати ортди. Макр ва хийла билан у Мухаммад Хайдар мирзонинг кучли амирлари ва лашкарбошиларини таркатиб юборди ва амир Абдулкуддусга шундай зарба бердики, натижада Мухаммад Хайдар мирзонинг ишлари аянчли ахволга тушиб колди. Жамол Ого килган ишидан пушаймон бўлди, аммо унинг пушаймонидан фойда йўк эди.
Охири Мухаммад Хайдар мирзо пиёда ва отликлардан иборат ўттиз мингта одам тўплаб, Абобакр мирзога карши юриш килади. У уч мингта жангчи билан унга рўпара бўлди. Каттик жанг бўлди. Охир-окибат маглубият Мухаммад Хайдар мирзо чекига тушди. Енгилган, тор-мор этилган Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарга кайтди. Бу вокеалар хакида у катта тогаси Юнусхонга хабар килиб, ундан мадад сўради. Хон ўз лашкаридан ўн беш минг кишини ажратиб олиб, жиянига рахми келиб, Абобакр мирзога карши кўшин тортди.
Мухаммад Хайдар мирзо кайтадан лашкар жамлаб, хон кўшини билан бирлашди-да, Ёркандга йўл олди. Абобакр мирзо Ёркенд калъаси ичига камалиб олди, хон эса унинг шарк тарафига жойлашди. Эртасига Абобакр мирзо калъа ташкарисида отлик ва пиёда жангчиларни сафга тизиб, улар билан олдинга чикди. Булар худди ўша уч минг киши, яъни амир Саид Алининг амирлари ва баходирларининг ўгиллари бўлиб, юз минг кишига карши жанг килиб, орзуларига эришган, заррача гам чекмаган кишилар эди. Мухаммад Хайдар мирзо ўз вактида уларнинг кадрига етмаган, Абобакр мирзо уларни атрофига тўплаб олган эди. Юнусхон кўп сонли лашкари билан бир томондан, Мухаммад Хайдар мирзо иккинчи томондан хужум килишди. Абобакр мирзо Мухаммад Хайдар мирзога эътибор хам килмай бутун кучини хонга каратди. Анчагина тўкнашувлардан кейин у хонни кочишга мажбур килди. Хон кочгач, Мухаммад Хайдар мирзо хам каерда турган бўлса, ўша ердан кочишга тушди. Шундай катта лашкар тор-мор килинди.
Хон билан Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарга келишгач, хон унга: «Уни осонгина енгса бўлар, деган ўй билан мен кам лашкар олиб келгандим. Бу йил сен ўз вилоятингни кўлингда саклаб туришга харакат кил, янаги йил мен бутун лашкаримни тўплаб келиб, уни яксон киламан» деди. Хон Мўгулистонга кетди, Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарда колди.

**Эллик бешинчи фасл. Юнусхоннинг Мухаммад Хайдар мирзога ёрдам бериш учун иккинчи сафар Ёркандга юриши ва Абобакр мирзодан енгилиши.**

Янаги 885 (1480-1481) йил киргач, Юнусхон олтмиш минг кишидан иборат бутун мўгул лашкари билан Кошгарга келди. Мухаммад Хайдар мирзо хам аввалги йилларга нисбатан лашкарини анча тартибга келтирган эди. У хон лашкари билан бирлашиб, Ёркандга йўл олди. Султон Юнусхон билан Хайдар мирзо хаммаси бўлиб тўксон минг отлик ва пиёда лашкар билан Ёркандга жўнашди.
Абобакр мирзо хам ўтган йилгидек Искандар девори каби мустахкам Ёрканд калъасига ўрнашиб олди. У хам беш минг кишилик отлик ва пиёда аскар жамлаган, шулардан уч мингтаси отлик аскарлар бўлиб, уларнинг хаммаси, айтиб ўтилганидек, амир Саид Али амирларининг ўгиллари, Мухаммад Хайдар мирзо кадрига етмай таркатиб юборган сара йигитлар, икки мингтаси эса катор-катор ваъдалар билан вилоятдан тўпланган ўкчи-пиёда аскарлар эди. Хоннинг лашкари Ёрканд калъасини ўраб олди. Хоннинг ўзи Ёркандниг шарк тарафидаги Калдугоч Ёри деган машхур мавзеда тўхтади.
Намози аср пайти хон лашкарининг хар бир кўшинидан обрўли кишилар ўз раъйи билан калъа олдига бориб, жанг бошлашди. Калъа ичидан Абобакр мирзонинг одамлари чикишди. Хар бир отлик ва пиёданинг ўртасида ўкчи, хар бир пиёданинг олдида яна бир пиёда калкон ушлаб олган. Каттик жанг бошланди. Хон ўз манзилида тураверди. Бир неча киши келиб, жанг хакида гапириб, роса кизиктиришади ва бориб кўришга даъват этишди. Хон бир гурух кишилари билан, хатто курол-аслаха хам такмай базм кийимида жўнади. Хандак четига келишганда иккала тарафнинг пиёдалари олишаётганини кўришди – огир жанг борарди. Лекин хандак тепасидан кўриш кийин бўлганидан хон яхширок кўриш учун пастга тушди. Хон пастга тушгач, пиёдалар дадиллашиб, баходирона жанг кила бошлашди.
Шу пайтда хоннинг кўзга кўринган баходирларидан бири Алим Шайх баходир чодирда бўлган, хоннинг жангни кузатишга кетганини эшитиб, унда дархол ўша ёкка бориб, хон олдида ўз жасоратини намойиш килиш ва ўз тенгилар орасида кўзга ташланиш фикри тугилди. У курол-аслахаларини тартибга келтириб, хонга етиб олиб, ундан хам нарига ўтиб, урушаётган пиёдалар олдигача борди. Хон лашкари ва Абобакр мирзо лашкари пиёдалари ўртасида икки тарафи моллардан ихоталанган йўлак бор эди. Алим Шайх баходир келиб, ана шу йўлак оркали Абобакр мирзо пиёдаларига ташланди ва улардан калкон ушлаганига етиб олди. Ўша пиёда ўзига караб ўкдек учиб келаётган отликни кўриб, унда дадиллик етишмади-да, калконини Алим Шайх баходирнинг оти олдига ташлаб кочди. Алим Шайх баходирнинг оти калконга кокилиб кетиб, бир томонга кескин бурилиб кетди ва Алим Шайх баходир ўзини тутолмай йикилиб тушди.
Тўсиклар оркасида турган пиёдалар сакраб чикишди-да, ёлгиз колган Алим Шайх баходирни тутиб олишди, Абобакр мирзонинг отлик аскарлари хон лашкарининг пиёдалари устига ташланишди. Каршилик кўрсатиш бефойдалигини кўрган пиёдалар дархол чекинишга тушишди. Жангни кузатишга келган одамлар ўзларини оркага олишди. Хон хам хандакда эди. Хонга хамрох кишилар унга хандак тепасига чикишни маслахат беришди ва хон дархол хандакдан олиб чикадиган йўлга равона бўлди. Хоннинг жадал кетаётганини кўргач, хандак тепасида турган одамларнинг хар бири хон кочиб кетяпти, деган хаёлда кочиб кетишди. Хон хандак тепасига чиккач караса, хамма кочиб, лашкар

таркаб кетган. У аскарларга таскин бериш учун кароргохга йўл олди. Хон кароргохга келиб, одамларни калтаклаш ва койишга тушди, аммо бирор одам жойидан кўзголмади. Бу пайтда Абобакр мирзонинг одамлари хандакка тушган пиёдалар билан урушишарди, томошага келган отликлар билан бирга уларнинг изидан бориб, хандак тепасига чикишди, зарба бера-бера тап тортмай олдинга силжишди. Таркаб кетган лашкар бу холатни кўргач, коча бошлади, хон уларни тўхтатишга канча уринмасин, кўлидан келмади. Абобакр мирзонинг отликлари якин келиб колишган, хон олдида хеч ким колмаган эди, у хам йўлга тушди. Шундай улкан лашкар бир соатда тор-мор килинди. Хон кочиб Кошгарга келди. Лашкарнинг катта кисми хонга кўшилмай Мўгулистонга кетиб колди. Хон Мухаммад Хайдар мирзога бундай вазиятда Кошгарда кололмаслигини айтди. Мухаммад Хайдар мирзо хон ва беш минг уйлик одамлар билан Оксувга кетди. Кошгарнинг кўпгина ахолиси Андижонга жўнади, Кошгар Абобакр мирзо ихтиёрида колди. Бу вокеа 885 (1480-1481) йилда содир бўлди. Менинг отам Мухаммад Хусайн Кўрагон ўшанда ўн икки ёшда бўлган.
Юнусхон Мухаммад Хайдар мирзо билан Оксувга кетишгач, менинг отамни Юнусхоннинг ўгли Султон Махмудхон ўзлари билан бирга Мўгулистонга олиб кетишди. Ўша ёкда улар дўстлашиб колишди ва Султон Махмудхон то умрининг охиригача менинг отамни «адаш» деган, бу мўгул тилида «дўстим» дегани бўлади.

---

## Эллик олтинчи фасл. Султон Махмудхон ибн Юнусхон хаётининг дастлабки даври баёни.

Бундан буён гап Султон Махмудхон хакида боргани боис унинг хаёт йўлини бошидан бошлаб баён килиб бериш лозим. Султон Юнусхон иккинчи марта Хуросондан келган вактда амир Саид Али вафот этган ва Сонсиз мирзо Юнусхондан мадад сўраган эди, бу хакда юкорида ёздик. Ўша кунлари Юнусхон тез-тез Кошгарга келарди. Ўшанда у Кошгарнинг энг обрўли саййидларидан бири амир Зиёвуддинни Бадахшонга Шох Султон Мухаммад олдига жўнатиб, унинг камтарин, назокатлилардан хам назокатли кизини ўзига унаштириб келишини сўраган.
Шох Султон Мухаммад Бадахший Файлакус Румийнинг ўгли Искандар Зулкарнайннинг авлодларидан бўлган. Искандар бутун дунё мамлакатларини ўз тасарруфига олгандан кейин хукмдорлар билан мажлис куриб, шундай жой топингларки, олам подшохларининг кўллари у ерга етмасин, токи мен у ерда ўз наслимни давом эттирай, деган. Хукмдорлар Бадахшонни танлашади ва «Дастур-ал-амал» («Бошкариш коидалари»)ни тузишган – токи улар бу дастурга амал килишар экан, хеч ким ўша жойни улардан тортиб ололмаган. Искандар давридан то шох Султон Мухаммад давригача хеч ким Бадахшонга хужум килмаган ва шу тарика Искандарнинг авлодидан авлодига тахт ворислиги ўтиб келган. Шох Султон Мухаммад даврига келгач эса, у Искандарнинг «Дастур-ал-амал»ига риоя килмади. У улкан акл ва кобилиятга эга шох эди. Унинг яхшигина шеърларидан таркиб топган «Девон»и хам бор, у «Лаъли» сўзини ўзига тахаллус килиб олган, шеърларидан нафосат, ўткир акл уфуриб туради, «Дастур-ал-амал»ни ўз истеъдодига мувофик ўзгартирди.
Унинг олтита кизи бўлган. Бирини Амир Темур авлодидан Султон Маъсуд Кобулийга берган. Иккинчисини Султон Абусаид мирзога берган – ундан Абобакр мирзо исмли ўгил

тугилган, нихоят Султон Абусаид мирзодан кейин у Султон Хусайн мирзо билан урушиб, Султон Хусайн мирзо давлатига зарар етказган, булар Мирхонд ва Хондамир тарихларида кайд этилган. Учинчи кизини Иброхим барлосга берган – ундан Жахонгир барлос тугилиб, Чигатой улусининг охирги давлатида етакчи мансабдор бўлган. Тўртинчи кизи – Шохбегимни Саид Зиёвуддин Кошгарий воситачилигида Юнусхонга узатган. Бешинчи кизини Саидшох амир Бузург Архангийга берган, у хакда кейинрок сўз юритилади. Олтинчи кизини Шайх Абдуллох барлосга берган: ундан Султон Увайс барлос, Музроб барлос ва Султон Санжарлар дунёга келган, буларнинг баёни хам фурсати билан келтирилади, аммо улар хаёти хакидаги маълумотлар хиротлик Мирхонд ва Хондамир тарихларида хам учрайди.
Кискаси, Саид Зиёвуддин Шохбегимни Кошгарга олиб келиб, хонга  топширди. Юнусхоннинг Шохбегимдан икки ўгил, икки кизи бўлган. Энг каттаси – Султон Махмудхон, у 868 (1463-1464) йилда тугилган. Кейингиси Султон Ахмадхон, у хакида хали алохида тўхталамиз. Икки кизи – Султон Нигор хоним ва Давлат Султон хоним, уларнинг хаётлари хам ўз фурсатида баён килинади.
Султон Махмудхон вояга етгунига кадар мўгул амирлари, баён этиб ўтилганидек, Юнусхонга нисбатан ёмон, нолойик муомалада бўлишди. Султон Махмудхон вояга етганда, у пайтдаги амирлардан кўпчилиги ўлиб кетган, колганларини эса Юнусхон ўгли Султон Махмудхон кўмагида, колган мўгуллар ва мўгул амирларини хам ўзига тобе килиб олди.
Юнусхон Ёркандда маглуб бўлиб, Кошгарга келганида бу лашкар орасида Султон Махмудхон бўлмаган, у халкни бошкариш учун Мўгулистонда колган эди.
Юнусхон Мухаммад Хайдар мирзога тасалли бериш учун хамда синглисининг кўнглига караб ўша йили кишда, Оксувга кетди. Мухаммад Хайдар мирзонинг ўгли, ўшанда ўн икки ёшда бўлган Мухаммад Хусайнни Султон Махмудхон ёнига жўнатди. Султон Махмудхон Мухаммад Хусайн мирзога яхши муносабатда бўлди, улар дўстлашиб колишди ва бир-бирларини «адаш», яъни «дўстим» деб чакириша бошлашди. Мухаммад Хусайн мирзо Мўгулистонда, Султон Махмудхон хузурида бехад хурмат-эхтиромда кун кечирди.

## Эллик еттинчи фасл. Юнусхон ва Мухаммад Хайдар мирзо ўрталарида Оксувда бўлиб ўтган уруш ва дахшатли вокеалар баёни.

Хон кишда Оксувга кетди. Оксув жарлик ёкасида жойлашган бўлиб, иккита калъаси бор эди. Хон улардан бирини Мухаммад Хайдар мирзога берди, иккинчисига ўзи жойлашди. Ўша киш тинч ўтди. Бахор келгач, Юнусхон Мўгулистонга кетмокчи бўлди. Мухаммад Хайдарга шундай топширик берди: «Хозир эрта бахор, мен Мўгулистонга кетаман, сен шу ерда кол. Одамларинг дехкончилик билан шугулланишсин, Оксув вилоятини сенга бердим. Бугдой пишиги пайтида Мўгулистонда хам яйлов даври бошланади, отлар куч йигади, ўшанда биз Кошгарга бориб, Абобакр мирзо иши билан шугулланамиз. Мен Кошгарга у ёкдан бораман, сен бу ёкдан – Кошгарда учрашамиз. Нима килиш лозим бўлса, ўша ерда киламиз». Гапни шу тахлит бир жойга кўйишди. Хон тайёргарликларни тугатиб, Мўгулистонга жўнаш учун дархол одам юбориб, моллар ва одамларни тўплашни буюрди. Аммо бир тўда бузгунчилар, Мухаммад Хайдар мирзонинг кўнглига гулгула солишди, хон Мўгулистонга боргач, унинг одамларини талайди, дея шунга ўхшаш

сафсаталарни мирзонинг миясига сингдиришди ва шайтон васвасасидай ёлгон гапларга Мухаммад Хайдар мирзони ишонишга мажбур килишди.
Мухаммад Хайдар мирзо кўнгилчанлиги боис сафсаталарга кулок солиб, бунинг олдини олиш фикрига тушди. Шайтонлар унга: «Хоннинг яйловга кўчиш вакти аник бўлгач, хонга хамрох бўлиб юрган кичик ўгли Ахмадхонни олиб кўямиз, калъага кириб олиб, Юнусхонга карши кўзголамиз. Хоннинг жўнаш вакти якин бўлгани учун, у бошка хеч нарса билан машгул бўлмайди ва Мўгулистонга кетади, биз эса Оксувда яшайверамиз» деган гапларни уктиришди. Бу номаъкул ишни Мухаммад Хайдар мирзо маъкуллади. Хоннинг жўнаш вакти бўлганда улар дархол Оксув дарвозасини бекитиб олишди. Султон Ахмадхон Мухаммад Хайдар мирзо кошига кочиб кетди ва шу билан душманлик бошланди.
Юнусхон Мухаммад Хайдар мирзога киши юбориб, шунча насихатлар килди, бирок хеч фойда бўлмади. Окибатда Юнусхон кетмади, бошка калъага кириб, бекитиб олди-да, Султон Махмудхонга одам жўнатди.  Ўн етти кундан кейин у ўттиз минг кишилик лашкар билан етиб келди. Хар куни жанг бўлди, шу тахлит кирк кун ўтди. Мухаммад Хайдар мирзо калъасида очарчилик бошланди. Шундай бузгунчиликни бошлаган ифлослар кечалари калъадан кочиб кета бошлашди. Султон Ахмадхон ўз фарзандлик бурчини эслатиб, отаси олдига узр сўраб келди ва узрини кабул килишини илтимос килди. Мухаммад Хайдар мирзо калъа ичида колди. Шунда калъага ёпирилиб хужум килинди ва олинди. Хон шоша-пиша у ерга амирларни жўнатиб, талон-тарож килишмасин, деб тайинлади. Амирлар бориб, канча харакат килишмасин, бу нарса кўлларидан келмади. Одамнинг кўплигидан ва тўс-тўполондан талон-тарожга монелик килишнинг иложи бўлмади. Катта кийинчиликлар билан улар Мухаммад Хайдар мирзони ушлаб, хон олдига олиб келишди. Хонга якинлашишганда улар Мухаммад Хайдар мирзонинг кўлларини бογламокчи бўлишди, Юнусхон буни кўриб, богламанглар, деб бакирди. Уни хон олдига шундай келтиришди. Хон уни ёнига чакириб, сўкишга ва танбех беришга тушди: «Нега бундай килдинг? Такдирингда мен билан душманлик килиш истаги бор экан, мени жўнаб кетишга кўйигин эди, ўзинг эса бу ерда колиб, исён кўтаравергин эди. Бу нимаси энди?» деди.
Мухаммад Хайдар ўзининг бемулохаза харакатларидан хижолат бўлиб, бошини эгиб тураверди. Шунда хон: «Яхши, ана энди, мен сенга Оксувни берган эдим, шу ерда яшайвер»  деди. «Хамма нарса талаб кетилган, энди кандай килиб Оксувда колиш мумкин?» деб жавоб берди Мухаммад Хайдар мирзо. Хон Мухаммад Хайдар мирзога ўттизта от берди-да, «Мен билан бирга Мўгулистонга кет, ўша карор ўз кучида колади: бугдой пишиги пайтида мен Кошгарга бораман, Кошгарни олишга ва уни сенга беришга харакат киламан» деди.
«Шохлик» ва «улугворлик» тушунчаларига лойик аввалги хакикий хонлар айбдорларга худди мана шундай муомала килганлар. Тугишганларга хурмат-эътиборни ва жиянлик обрўйини улар шундай кадрлашганки, борди-ю улар бирорта хатога ёки гунохга йўл кўйишса хам, улар бу гунохларни мехрибонлик ва кечиримлилик суви билан ювиб юборишиб, уларнинг юзларида хижолат изларини колдиришмаган. Хонлар хатто уларга юзлаб бошка илтифотлар кўрсатишган: «Ахир у бизнинг жиянимиз-ку. Кариндошчилигимизга ишониб, у шунака расво ишни килди. Агар биз уни шу килиги учун жазоласак, кариндошчилигимиз каёкка боради, кариндош билан бегона ўртасида фарк колмайди-ку?» дейишган. Хозир эса шундай шохлар борки, биз канчалик бегунох бўлмайлик, бирор гунохимизни топиб, исбот килишади. Бошка шох олдида гунох килсак,

эхтимол, у биздан ранжимасди. Бизнинг давримиздаги худди ўша шохлар канчалик якин кариндош бўлса-да, канчалик кўп хизмати сингган такдирда хам, масалан, Мухаммад Хайдар мирзо билан Юнусхон ўрталарида бўлганидек, хамма нарсани унутиб, айбдорни ўлгудай жазолашга уринадиларки, хатто душман хам бундай килмаган бўларди. Борди-ю шунга карамасдан ўша айбдор одам бу дахшатли гирдобдан чикиб олса, мехрибон ва рахмдил Аллох иноят зохир килиб, унга шундай куч ато килсаки, у хамма гиналарни унутиб, кариндошлик эшигини дўстлик кўли билан чертса хам, «бўлган иш бўлиб ўтди» деган мазмунда нома жўнатса хам улар унга рад жавоби беришадики, бундай шохларни куйидаги байтда тасвирланган султонларнинг авлодлари деб хисобламок лозим:
Назм:
Ота хислатларин олмаган ўгил,
Фарзанд деб аталмас, бегона дегил.
Карами кенг Аллох мурувват эгаларидан ўз мархаматини дариг тутмайди. Биз шуни эслатиб кўймокчимизки, улар гунохкор кишиларга илтифот кўрсатишгани боис, Аллох хам мехрибон бандаларига мехрибонлик кўрсатади, Парвардигорнинг ўзи уларнинг гунохларини хам магфират килади, илохим, Яратганнинг ўзи икки дунё саодатига ноил килсин. Мамлакатларида мурувват анконинг уруги бўлган хукмдорлар дилига хам Аллох, Хазрат Мухаммад ва унинг умматлари хакки олийжаноблик уругини сочсин.
Кискаси, Мухаммад Хайдар мирзо Юнусхон билан бирга Мўгулистонга кетди. Кўклам охирлаганда Юнусхон Кошгарга юриш килишга карор килди. Бу орада Самарканд хукмдори Султон Ахмад мирзо Фаргонадан укаси Умаршайх мирзони чикариб юбориш учун ўша вилоятга кўшин тортишни режалаштирди. Бу хабар Умаршайх мирзога етган захоти у дархол Юнусхонга мурожаат килиб, ундан мадад сўради, хамишагидек, акаси Султон Ахмад мирзо жабр-зулмларидан халос бўлиш учун хонни ёнига чорлади. Бу хабар етгач, хон Андижонга жўнади. У иккала куёвлари ўртасида адоват бўлишини истамас, шу сабабли мудом уларни келиштириш йўлини киларди.
Хон Андижонга келгач, уни Умаршайх мирзо кутиб олди ва унга иззат-икромлар кўрсатди. У хонга Ўш вилоятини берди ва хон ўша кишни Ўшда ўтказди. Колган мўгулларни хон Султон Махмудхон ёнига, Мўгулистонга жўнатиб юборди, ўзи бўлса, Ўшда кишлаш учун колди. Ўш вилоятини у Мухаммад Хайдар мирзога берди. Султон Ахмад мирзо хоннинг келганидан хабар топиб, лашкар тортиш фикридан воз кечди. Умаршайх мирзо акасининг хужуми хавфидан халос бўлди.
Киш чиккач, хон яна Мўгулистонга йўл олди. У Мухаммад Хайдар мирзога: «Ўтган йили сен Мўгулистонда хотиржам яшамадинг, энди мен сенга Ўш вилоятини бераман, сен шу ерда кол. Мен янаги йил кишда тагин кайтиб келаман, бу вилоятни сен менинг номимдан бошкар», деди. Хон Мўгулистонга кетди, Мухаммад Хайдар мирзо Ўшда колди. Мухаммад Хайдар мирзо хондан ўгли Мухаммад Хусайн мирзони сўраб олиб, ўз ёнида саклади.

---

## Эллик саккизинчи фасл. Мухаммад Хайдар мирзонинг Кошгарга, Абобакр мирзо устига юриши ва Мухаммад Хайдар мирзонинг Абобакр мирзо томонидан асирга олиниши баёни.

Султон Юнусхон Мўгулистонга жўнаб кетганиданок, Умаршайх мирзо Ўшга доруга жўнатди ва Мухаммад Хайдар мирзодан узр сўради. Мухаммад Хайдар мирзо ва унинг

одамларида Мўгулистонга кетиш учун кучлари йўк эди, бу ерда колиш имкони хам бўлмади. У ўгиллари Мухаммад Хусайн мирзо билан Саид Мухаммад мирзони Умаршайх мирзога колдириб, ўзи Кошгарга йўл олди. У шундай мулохаза килди: «Абобакр мирзо бир вактнинг ўзида менинг укам, жияним ва ўгай ўглим; унинг ёнига борсам, эхтимол, тинчлик йўли билан менга бирор жойни берар». Шундай орзу-умидлар билан у Абобакр мирзо ёнига жўнади. Абобакр мирзо уни шу захоти камаб кўйди ва бир йил бандда саклайди. Бир йилдан сўнг Абобакр мирзо уни Бадахшонга жўнатди.
Мухаммад Хайдар мирзо ўша пайтларда Абусаиднинг ўгли Султон Махмуд мирзо кўлида бўлган Бадахшонга кетди. Шайх Жамол Харни ўлдирган Абдулкуддус – Мухаммад Хайдар мирзонинг куёви, аввал айтиб ўтилганидек, Султон Махмуд мирзо хузурида эди. Бир мунча вакт Мухаммад Хайдар мирзо ўша ерда мехмон бўлиб турди. Кейин Самаркандга кетди, у ерда пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллох (Аллох гўрини нурафшон килсин) хазрати олийлари билан учрашиш шарафига муяссар бўлди. У Султон Ахмад мирзо билан учрашиб турди. Султон Ахмад мирзо унга илтифот кўрсатди ва улар Мухаммад Хайдар мирзо йилига икки марта, икки хайит пайтида Султон Ахмад мирзоникига келиб туради, деган карорга келишди. Султон Ахмад мирзонинг учта укаси бўлган: Усмон мирзо, Султон Валад мирзо, Малик Мухаммад мирзо. Мирзо машварат пайтида Мухаммад Хайдар мирзо Усмон мирзодан куйида, Султон Валад мирзо билан Малик Мухаммад мирзодан юкорида ўтирсин, деб кўрсатма берди, у бу ерга мехмон бўлиб келиб турсин, деди. Шу пайтда Султон Юнусхондан Мухаммад Хайдар мирзони олиб кетгани одам келди. Султон Ахмад мирзонинг мехрибонликлари Мухаммад Хайдар мирзони тутиб кололмади ва у Юнусхон ёнига кетди. У вокеалар хоннинг Тошкандга келганидан кейинги хаёти тасвирида баён килинади.

---

## Эллик тўккизинчи фасл. Юнусхон ва мўгул улусининг Тошкандга келиши баёни: Султон Ахмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Махмуд мирзо билан сулх тузилиши.

Ака-ука Умаршайх мирзо билан Султон Ахмад мирзо орасида бўлган жанжаллар ва келишмовчиликлар Мирхонд тарихи «Равзат ус-сафо» («Поклик боги»)да битилган. Бу «Тарих» («Тарихи Рашидий»)га уларнинг алокаси йўк. Аммо бизнинг «Тарих»имизда эслатиб ўтиладиган нарса шуки, Шайх Жамол Хардан кейин Тошканд хукмронлиги Умаршайх мирзо кўлига ўтди, кучли Шохрухия калъаси хам Умаршайх мирзо кўлига ўтди. Мана шу иккита мулк учун Султон Ахмад мирзо Умаршайх мирзога карши кўтарилди ва иш жуда катта жанжалгача етиб борди.
Султон Ахмад мирзо Тошкандга хужум килган вактда Умаршайх мирзо Юнусхоннинг Тошкандга келишини илтимос килди. Хон Ўшдан кетган йили Умаршайх мирзо Ўшни Мухаммад Хайдар мирзога бериб кетган эди, лекин хон кетгач, Умаршайх мирзо Мухаммад Хайдар мирзодан узр сўраб, кайтариб олди. Мухаммад Хайдар мирзо Кошгарга кетди, у ерда камокка тушди, у пайтда хон Мўгулистонда эди.
Кузда Султон Ахмад мирзо Тошкандга юриш килди, Умаршайх мирзо хонни Тошкандга чорлади ва илгари Андижонга карашли Ўшни хонга бергани сингари унга Тошкандга карашли бўлган Сайрамни берди.
Хон Сайрамга йўл олган пайтда, шахар ва вилоятда яшашни истамаган мўгуллар, хоннинг

кичик ўгли Султон Ахмадни йўлдан уриб, у билан бирга Мўгулистонга кочиб кетишди. Хон уларнинг изидан тушмади, негаки ўша пайтда Мўгулистонда мўгул хоконларининг хавотир олса бўладиган биронта авлоди колмаган эди. Шундай килиб, хон уни Мўгулистонга кўйиб юборди-да, ўзи Сайрамга йўл олди. Кишни у ўша жойда ўтказди. Катта ўгли Султон Махмудхонни хам ўттиз минг яхши аслахали лашкар билан Султон Ахмад мирзога карши йўллади. Фаргона тарафдан Умаршайх мирзо ўн беш минглик лашкар билан келди. Бу учта лашкар бир-бирларига якин келишиб, катта жангни кутиб туришди.
Бунинг хабари Самаркандга, пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллох хазрати олийлари (Аллох гўрини нурга тўлдирсин)га етгач, у хам жўнади ва ўзидан олдин «Мен хам боряпман» деган хабарни кўшиб одам жўнатди. Ул зот  етиб келгани захоти хар учала султон ўз жойларида туриб колишди.
Эшон хазратлари келиб Султон Ахмад мирзо кароргохида тўхтаб, хон билан Умаршайх мирзога одам жўнатди. Худонинг назари тушган Эшон хазратларининг сулх хакидаги таклифини хеч ким рад килолмади, негаки авлиёлар фано боскичига етганда ўзлигини унутишади ва улардан чиккан хар бир фикр Аллох таолонинг иродасини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, у факат ўз максадинигина кўзлаб лашкар тортган хар учала хукмдорни яраштириб кўйди.
Эшон хазратлари учала хукмдорни битта палос устига ўтказиб, ўзи хам уларнинг ўрталарига ўтириб олиб, хар бирининг олдига шарт ва мажбуриятлар кўйди, улар буни кабул килишди. Тошкандни Юнусхонга беришга карор килинди. Тошканд туфайли келишолмаётган икки ака-ука бахсни бас килишиб, Тошкандни хонга беришди.
Мавлоно Саид Мухаммад Кози хазратлари (Аллох охиратини обод килсин), «Силсилат-ул-орифин» асарида ушбу вокеани Эшоннинг кароматлари хакида гап кетганда ёритган. Ўша ерда бундай деб ёзилган: «Машварат шундай дабдабали бўлдики, мен (Мухаммад Кози) хижолатпазликдан дастурхонни тескари солиб кўйдим. Машварат охирлагач, Эшон хазратлари: «Яхши бўлди, энди кетиш керак, чунки роса тўйдик, бундай юкни факат мана шунча одам билан кўтариб кетиш мумкин,  дедилар. Уччала хукмдорнинг хар бири ўз лашкари олдига кетди. Эшон хазратлари  Хўжанд дарёси томонга бориб, дарё сохилида гусл килдилар. Менга караб сўрадилар: «Мавлоно Мухаммад, сиз бизнинг бу ишимизни ёзиб кўяоласизми?».
Мавлоно Мухаммад Кози ёзадики, Эшоннинг бу топшириги «Силсилат-ул-орифин» асарининг дунёга келишига туртки бўлган.
Кискаси, Султон Ахмад мирзо Самаркандга, Умаршайх мирзо Фаргонага, Султон Махмудхон Тошкандга кетишди. Юнусхон хам Тошкандга келди, Эшон хазратлари унинг изидан Тошкандга бориб, Юнусхон билан тагин учрашди. Мен амакимдан эшитган эдим, у шундай деган эди: «Бир куни мўътабар бир йигинда Эшон хазратларининг хузурида Султон Махмудхон хакида гапириб колишди. Ўтирганлардан бири: «Бу Султон Махмудхон деганлари галати шахзода – магрур, кеккайган» деган. Эшон хазратлари: «Бундай хукмдорнинг этагини биз тупрокка тўлдирамиз; магрурлик ва катта кетиш факат Аллохга хос, Султон Махмудхон ким бўлибдики, кеккайсин?» деб жавоб берган. Айни шу лахзада Султон Махмудхон Эшон хазратларини зиёрат килиш учун келиб колган. Намоз вакти бўлиб, хазрат намоз ўкишга турган. Кибла тарафда ўчок бўлиб, унда кўмир ёнаётганди. Эшон хазратлари, намоз ўкилаётган махалда олд томонда олов ёниб туриши манъ килинади, олов юзига тупрок сепиш керак, деган. Кўп одамлар ўтирган бўлишига карамай, Султон Махмудхон ўзи туриб бориб, этагини тупрокка тўлдириб

келиб, олов устига сепган. У олов ўчиб колгунича бир неча марта шундай килган. Йигинда хозир бўлган одамлардан у бу хизматни ўзига кўйиб беришларини илтимос килган. Хон кетгач, барча одамлар хайрат изхор килишган».
Хонларнинг ушбу йигини ва сулх тузилиши Тошкандда 890 (1485) йилда бўлиб ўтди. Эшон хазратлари бир муддат Тошкандда бўлиб, кейин Самаркандга кайтди.
Ўша давр султонларида шундай одат бор эдики, бирор ишлари ёки илтимослари хакида Эшон хазратларига билдирмокчи бўлишса, унинг муридларидан бирортасига мурожаат килиб, уни воситачи килишар эди. Султон Махмудхоннинг Эшон хазратлари билан алока килишида Мавлоно Мухаммад Кози воситачилик килган, хон ўз илтимослари билан унга мурожаат килган. Буни менга Мавлоно Мухаммад Кози айтиб берган, бу хикоялар мавриди билан хали келтирилади, иншооллох.

---

## Олтмишинчи фасл. Юнусхон ишларининг интихоси баёни.

Хон Тошкандга жойлашгач, ўгли Султон Махмудхонга Султон Ахмад мирзонинг кизи Карокўз бегимни унаштирди. Карокўз бегимнинг келиши кейинрок ёритилади. Бу орада Юнусхон каттик корин огриги хасталигига чалиниб, икки йилгача тўшакка михланиб колди; шу дард оркасидан у бу дунёни тарк этди.
Унинг муборак ёши етмиш тўртга етган эди. Мўгул султонларидан хеч бири бу ёшга етмаган, уларнинг кўпчилиги хатто кирк ёшга етмай ўлиб кетишган. Хон 818 (1415-1416) йилда таваллуд топиб, 892 (1486-1487) йилда вафот этди. У Тошканддаги Шайх Хованд Тахурнинг табаррук мозори ёнига дафн этилган. У ерга хозир хам машхур улугвор бино курилган.
Касал ётганида хон Мухаммад Хайдар мирзонинг Бадахшондан Самаркандга келганини эшитди ва киши юбориб, уни ўз ёнига чакириб келтирди. Мухаммад Хайдар мирзо Самарканддан унинг хузурига келиб, касал пайтида хонга каради. Мухаммад Хайдар мирзонинг жаррохликдан яхши хабари бўлиб, дори-дармонларни хам яхши фаркларди. Касал пайтида хон Мухаммад Хайдар мирзони бир лахза хам ёнидан кеткизмади ва унга худди ўз ўглидек мехрибонлик кўрсатди. Мухаммад Хайдар мирзонинг Андижонда, Умаршайх мирзо ёнида бўлган ўгли отасининг Тошкандга келишидан олдин Андижондан Тошкандга Султон Махмудхон ёнига кетди ва хондан хеч качон ажралмади, бунинг баёни бироз кейин келади.

---

## Олтмиш биринчи фасл. Чир дарёси бўйида Султон Ахмад мирзо билан Султон Махмудхон ўртасида бўлиб ўтган жанг баёни.

892 (1486-1487) йилда  Султон Юнусхон вафот этгач, ўша йилиёк мўгуллар одатига кўра Султон Махмудхон хонлик тахтига ўтказилди.
Юнусхоннинг вафоти хакидаги хабар таркалгани захоти Умаршайх мирзо билан Султон Ахмад мирзо хар бири ўзича Султон Махмудхонга карши юриш килишга хозирланди. Умаршайх мирзо ўз хокимиятининг умиди ва таянчи бўлган энг сара мулозимларидан бир канчасини жўнатди ва улар Тошканднинг яхши химояланган Уштур калъасига кириб

олишди.
Султон Махмудхон шахсан ўзи калъа химоясига жўнади. Шундай каттик жанг бўлдики, кандай кийинчилик билан у калъани олишганини ва Умаршайх мирзонинг ишончли одамлари тўдаси кандай кириб ташланганини мўгуллар орасида халигача гапиришади. Улардан бирортаси хам жанг майдонини ташлаб кетмаган, охиргиси ўлдирилгунга кадар курашишган. Бу галабадан Султон Махмудхоннинг кучи ортган, Умаршайх мирзонинг эса юриш килишга ортик кучи колмаган.
Янаги йили амирлар Султон Ахмад мирзонинг кулогига куя бошлашган: «Сиз хеч бир сабабсиз Тошкандни Султон Махмудхонга бериб кўйдингиз, улар у ерда канча узок туришса, бизга шунча кийин бўлади» дейишган. Эшон хазратлари (Илохим гўри нурга тўлсин), Султон Ахмад мирзога: «Бундай килиш ярамайди. Султон Махмудхон билан сулх тузмок керак. Улар сизни безовта килишмаяпти, нега сиз уларни безовта киласиз?» деган мазмунда хат жўнатган.
Охири Султон Ахмад мирзо эллик минг кишилик лашкар тўплаб, Тошканд устига юриш килди. Султон Махмудхон Тошканд чеккасига чикиб, душман лашкари рўпарасида тўхтади. Уларнинг ўртасида Чир дарёси бор эди, ундан ўтолмай уч кун шу тахлит туришди.
Султон Ахмад мирзо лашкари ичида Шохибекхон бор эди. Мана шу Шохибекхон Шох Будог Ўглоннинг ўгли, бу эса Абулхайрхоннинг ўгли бўлади. Юкорида айтиб ўтилганидек, Буруж Ўглон ўлдирилганда Шохибекхон хали ёш эди, бошка султонлар беэътибор бўлишди ва Шохибекхон, тарихий асарларда ёзилишича, кўп кийинчиликларни бошдан кечирди. Нихоят, у сахрода ортик кололмай, Мовароуннахрга келди-да, Султон Ахмад мирзога навкар бўлди, тўгрироги, Султон Ахмад мирзонинг навкарларидан бири амир Абдул Али Тархонга навкар бўлди. Шохибекхон бу лашкарда ўзининг уч минг навкари билан иштирок этди.
Султон Ахмад мирзо уч кун тургач, Шохибек кечаси Султон Махмудхонга одам юбориб, «Келинг, учрашайлик» деган гапни айтди. Ўша кечасиёк у нариги томондан, хон бу томондан борди-да, учрашишди. Шарт ва мажбуриятларни мухокама килишгач, шунга келишишдики, эртага Султон Махмудхон амир Абдул Алига хужум киладиган, ана ўша амир Абдул Алининг навкари Шохибек бўлса лашкарни таркатиб кочадиган бўлди.
Эртасига мўгул лашкари жангга хозирланди. Хар икки тарафнинг лашкари хам харбий холатда турарди. Мўгул лашкарининг пиёдалари Чирни кечиб ўтишди, отliклар хам Чирга киришди. Бошка тарафдан пиёдалар жангга киришишди. Мўгул лашкари амир Абдулали тарафни кўпрок сикув остига олди. Шу пайт Шохибекхон уч юз кишиси билан коча бошлади. У Султон Ахмад мирзо лашкарининг юклари ортилган араваларга хужум килиб, уни талон-тарож килишга тушди. Атрофдаги бебошлар хам бу холатдан фойдаланиб, юкларни талай бошлашди. Султон Ахмад мирзонинг лашкари дархол кочишга тушди. Мирзонинг лашкари олдида Чир дарёси бўлиб, жангчиларнинг кўпи дарёга чўкиб кетди, Чирни Тошканд ахолиси «Оби Парак» дейишади. Султон Ахмад мирзо лашкари каттик маглубиятга учради. Тор-мор бўлган Мирзо Самаркандга кочиб кетди. У шайх Убайдуллох Ахрор Эшон хазратлари олдида тавба-тазаррулар килди ва Эшон хазратларининг кўрсатмаси билан хон ва Султон Ахмад мирзо ўртасида кайтадан сулх тузилади. Иттифокликни мустахкамлаш максадида Карокўз бегимни унаштириш маросими уюштирилди ва турли расм-русумлардан кейин Карокўз бегимни Султон Махмудхон томонга олиб кетишди.

**Олтмиш иккинчи фасл. Султон Махмудхон билан отам ўртасида кариндошликнинг йўлга кўйилиши баёни.**

Отам Мухаммад Хусайн кўрагон (Аллох унинг сирларини мукаддас килсин) айтиб ўтилганидек, Кошгардан кетган кунидан бошлаб то хозиргача узлуксиз Султон Махмудхон хизматида бўлди, Умаршайх мирзо ёнида ўтказган йиллари бунга кирмайди, бу хакда хам тўхталган эдик. Хон билан отам, Мухаммад Хусайн мирзо шундай дўст бўлишганки, улар мудом бир уйда, хатто битта хонада яшашган – хон уйининг ўнг каноти отамнинг ихтиёрида бўлган. Уй ишларида отам хакикий хамкор бўлган. Хонга нима келтиришса, отамга хам ўша нарсаларни келтиришган. Агар хон бирор ёкка отда чикмокчи бўлса, иккита от келтиришган, бирига хон минган, иккинчисига отам. Агар хон янги кийим кийса, худди шунакасини отамга хам олиб келишган. Хон Карокўз бегимга уйланганига кадар худди шундай, улар ўртасидаги ишларда хеч бир фарк бўлмаган. Куннинг кўп кисмини улар одатдаги хонада ўтказишган, кечаси хон хотини ёнига кетган, отам ўша хонада ёлгиз ўзи колган. Хон тахтда ўтирган махалда тахт олдига тўшакни шундай тўшашганки, отам хон тахтига суяниб ўтира оладиган бўлган ва улар хонлик ишлари билан биргаликда шугулланишган. Хон бир неча бор уйлангани туфайли отамни хужрада ёлгиз колдириб, харамга кетаётгани учун отамдан узр сўраган, бу дўстлик бурчига зид, деган. Бир йилдан сўнг у отамни Хўб Нигор хонимга уйлантириб, «кўрагон», яъни «хон куёви» деган унвонга сазовор килган. Хўб Нигор хоним Султон Махмудхондан бир ёш катта, Юнусхоннинг Эсан Давлат бегимдан кўрган учинчи кизи бўлган.
Эсан Давлат бегимнинг катта кизи Мехр Нигор хоним бўлиб, уни Султон Ахмад мирзога беришган, бу хакда ёзган эдик, колган вокеалар иккинчи китобда ёритилади.
Ундан кичиги – Кутлук Нигор хонимни Умаршайх мирзога беришган, ундан Захириддин Мухаммад Бобур Подшох ва Хонзода бегим тугилган бўлиб, уларнинг хаёти кейин зикр килинади. Юнусхоннинг кизларидан учинчиси Хўб Нигор хонимни отамга беришган, у менинг онам бўлган. Уларнинг хаётлари хам иккинчи китобда ўрни билан ёритилади.
Юнусхоннинг яна Шохбегим Бадахшийдан иккита кизи бўлган, улардан каттаси – Султон Нигор хонимни Хисорга, Султон Махмуд мирзога узатишган. Ундан Мирзохон тугилган, унинг хаёти хам иккинчи китобда тасвирланади. Хаммадан кичиги Давлат Султон хоним, у хакда хам иккинчи китобда тўхталамиз.
Кискаси, хон мудом отамдан узр сўраб «Мен кечалари доимо харамда бўлсаму, сен ёлгиз хонада колсанг, бу дўстликдан эмас. Ўйла, шу яхшими?» дер экан. Шундан сўнг у дабдабали тўйга тайёргарлик кўришга кўрсатма берган. Икки йил тўйга тайёргарлик кўрилган ва турли расм-русумлар билан Хўб Нигорхонимни менинг отамга олиб беришган. Бу орада Султон Ахмад мирзо хам, Умаршайх мирзо хам Султон Махмуд мирзо хам вафот этишган, бу бироз кейин ёритилади.
Ўратепа хоннинг тасарруфида бўлиб, уни хон менинг отамга берди. Отам Ўратепага кўчиб ўтиб, теварак-атрофдаги кўплаб жойларни Ўратепага кўшиб олди. Буларнинг бари мазкур «Тарих»нинг иккинчи китобида берилади.

**Олтмиш учинчи фасл. Султон Махмудхон хукмронлиги даврида Тошкандда бўлиб**

**ўтган вокеалар баёни, унинг ишларининг издан чикиши ва хаётининг интихоси.**

Султон Ахмад мирзо билан сулх тузилгунига ва Карокўз бегимга уйлангунига кадар Султон Махмудхон Туркистонни босиб олди. Туркистон хокими, Султон Ахмад мирзо номидан у ерни сўраб турган Мухаммад Мазид тархонни ушлаб камашди ва сулх тузилишининг асосий сабабчиси мана шу Мухаммад Мазид тархон бўлди, чунки у Султон Ахмад мирзонинг тогаси эди.
Султон Махмудхон Туркистонни босиб олган пайтда Шохибекхон хон хизматида эди, унинг Чир бўйидаги жангда кўрсатган хизматларини хисобга олиб, хон Шохибекка Туркистонни берди. Шу сабабдан Кирайхон ва Жонибекхон – козокларнинг ўгиллари билан Султон Махмудхон ўртасидаги эски дўстлик душманликка  айланди. Улар: «Шохибекхон бизнинг душманимиз, сен кандай килиб уни бизга карши килиб Туркистонга кўясан?» дейишди. Мана шу жанжаллар туфайли Султон Махмудхон билан ўзбек-козоклар ўртасида икки марта жанг бўлди, хар иккала сафар хам Султон Махмудхон енгилди. Маглубиятларнинг сабаби мана бундай: «Юнусхондан хурмат-эътиборга лойик амирлар колди. Хамма одамларда бўлганидек, тахт вориси бўлган хонларда хам одатда шундай бўлади, улар олдинги яхши одамларнинг кадрига етишмаган, хатто бирор кишига хомийлик килсанг, у яхши одам бўлиб колади, деб хисоблашган, лекин бу бўлмаган гап. Мана шу фикрга таяниб, хон соткинлар тўдасидан бир канча одамларга хомийлик кўрсатди ва ана шу тубан кимсалар мудом аввалги обрўли амирларнинг тагига сув куйишга уринишди. Иш шунга бориб етдики, хон мўътабар амирлардан бештасини ўлдирди ва оилаларини батамом йўк килди. Уларнинг ўрнига ўзи хомийлик килган ўша соткинлардан бештасини кўйди. Султон Махмудхон билан ўзбек-козоклар ўртасида Шохибекхон туфайли жанг бўлган махалда ана шу беш киши лашкарбошилар бўлишган ва сўзсиз маглубиятга учрашган.
Ўша ўлдириб юборилган бешта амир килган хайрли ишлар туфайли атрофдаги султонлар калбида мухрланиб колган хокимиятнинг кудратига тан бериш туйгусидан хеч вако колмади.
Бу орада Умаршайх мирзо каптархонадан йикилди ва 899 (1493-1494) йилда халок бўлди. Бунинг хабари Султон Ахмад мирзога етгач, у дархол, Худо кўрсатмасин, Андижон мўгуллар кўлига тушмасин деб, Андижонга томон кўшин тортди. Умаршайх мирзонинг амирлари хушёрлик ва матонат кўрсатишиб, Умаршайх мирзонинг ўн икки яшар ўгли Захириддин Мухаммад Бобур Подшохни тахтга ўтказишди ва Султон Махмудхонга ёрдам сўраб мурожаат килишди.
Султон Ахмад мирзо Маргилон чегарасига етганда бетоб бўлиб колди. У сулх тузиб ортига кайтаётганда йўлда вафот этди. Бу Умаршайх мирзо вафотидан кирк кун ўтгач содир бўлди.
Султон Махмуд мирзо Хисордан келиб, акасининг ўрнига Самарканд тахтига ўтирди. У олти ой хукмронлик килиб, ўз ажали билан ўлди.
Султон Махмудхон Самарканд тахтига эришиш орзусида Самаркандга йўл олди. Бойсунгур мирзо Миёнкол деган жойда жангга киришди. Султон Махмудхоннинг амирлари ўша ярамаслар тўдасидан бўлгани боис Самаркандни олиш насиб килмади, Мўгуллар ва Самарканд ахолиси мана шу вокеага багишлаб шеърий тарих ёзишди. Хон ортига кайтиб, Тошкандга келди. Халиги соткин амирлар хонга: «Хозир Шохибекхон Самарканд ва Бухорони эгаллаши учун унга ёрдам берсак тўгри бўлади, хукмдор елкасидаги барча ташвишлар унга юклатилади, биз эса Тошкандда бамайлихотир

ўтирамиз» дея гап уктира бошлашди.  Хон рози бўлди. Отам бу тадбирнинг нотўгрилигини хонга тушунтиришга канча уринмасин, уни канча ишонтирмасин, у мутлако кулок солмади,  улар ёрдам беришиб, Шохибекхон Самарканд ва Бухорони олди. Бу вокеанинг баёни иккинчи китобда давом эттирилади; Бобур Подшох хаётининг баёни хам шунга киритилган.
Шундай килиб, хон кўмагида Шохибекхон Самаркандни эгаллаб, унга ўрнашиб олди. Унинг лашкари эллик минг кишига етди, каерда ўзбек бўлса, хаммаси унга кўшилишди. Шохибекхон биринчи навбатда хонни четлаштиришга киришди. Хон ноилож ахволда колди, хон хам, ана у пасткаш одамлар хам пушаймондан канчалик бармокларини тишлашмасин, фойдаси бўлмади.
Бу орада айтиб ўтганимиздек, Мўгулистонда колган Султон Ахмадхон, хоннинг иложсиз вазиятда колганини эшитиб, акасига ёрдамга келди.
Ушбу икки хон Шохибекхон билан жанг килишиб, иккови хам маглубиятга учради. Иккала хонни тутиб келтиришгач, Шохибекхон уларга иззат-икром кўрсатди. Хонларни Мўгулистонга жўнатди-да, мўгулларни ўзи билан олиб колди – бунинг баёни иккинчи китобда келтирилади.
Султон Махмудхон билан Султон Ахмадхон иккала ака-ука хам Мўгулистонга кетишди. Султон Ахмадхон ўлди, бу Султон Ахмадхон хаёти тасвирида баён килинади.
Султон Махмудхон Мўгулистонга бориб, бир канча муддат у ерда бўлиб, кўп кийинчиликларни бошдан кечирди, охир окибат, Шохибекхон унга илгари кўрсатган хомийлик умидида унинг кошига боради. Бирок Шохибекхон Султон Махмудхонга: «Бир марта багрикенглик килдим, иккинчи марта яна шундай килсам, бу менинг хокимиятим инкирозига сабаб бўлади»  дейди. У Султон Махмудхонни оиласи, катта-кичик фарзандлари билан Хўжанд дарёси бўйида ўлдиради. «Лаби дарёи Хўжанд» (Хўжанд дарёси бўйи) сўзларида уларнинг ўлими санаси жамланган. Бу вокеалар иккинчи китобда баён килинади ва шу шеърий тарих хам ўша ерда тушунтирилади. Такрорга йўл кўймаслик учун биз бу ерда тасвирни кискартирдик.

---

## Олтмиш тўртинчи фасл. Султон Ахмадхон баёни.

Илгари баён килинганидек, Юнусхон Тошкандга келган  пайтда Султон Ахмадхон ибн Юнусхон шахар ва вилоятларда яшашни ёмон кўрадиган мўгулларга кўшилиб, отасидан кочиб бориб, Мўгулистонда колиб кетди. Унинг Мўгулистонда килган ишлари ва хукмронлиги – жуда узун тарих, булар хакида кискача куйидагиларни айтиш мумкин: Мўгулистонда колган барча мўгулларни ўз хокимиятига тегишли тарзда бўйсундириши учун унга ўн йилча керак бўлди. У бир канча кавм амирларининг, шу жумладан, арлотларнинг кадрига етмади, вахоланки, улар улуг амирлар бўлишган. Амирлар унга каршилик кўрсатишди, нихоят жанг бўлди, ўша жангда уларнинг авлоди кириб юборилди. У Эсан Бугахонга карши юришда иштирок этганидан бери ортик бирорта хонга мадад кўлини чўзмаган амир Султон Али чурасни хам ўлдирди.
Бу орада калучи кавмидан бир гурух лашкарбошилар, – ўша пайтда Мўгулистонда сон жихатидан бундан кўп кавм бўлмаган – тил бириктиришиб, бир куни кечаси хонга хужум килишди. Хон кароргохи ёнида бўлган барча жангчиларни чопиб, хон чодирини ўкка тутишди. Хон бир неча жойидан ярадор бўлди. Охири улардан биттаси хонни бир ёклик

килиш учун чодир ичига бостириб кирди. Хон килич ялангочлаб, унга карши турди. Улар бир-бириларини ярадор килишди ва ўша одам хаммаёгидан яраланиб чодирдан кочиб чикиб кетди. Бир неча киши отдан тушиб, биргаликда тагин бир чодирга киришга харакат килишди, шу пайт хон саройининг энг хурматли кишиларидан Сут Эмган баходир келиб колди. Халиги одамлар кимдир келганини кўргач, яна отга минишди-да, унга карши жўнашди. У бир ўзи эди, лекин улар билан жанг килди, Сут Эмган баходирни ўлдириш учун анча-мунча вакт керак бўлди. Улар хонга тагин хужум килишди. Каттик шовкин-сурон кўтарилиб, хар тарафдан отларни шошилинч эгарлаб, хон кароргохи томон одамлар ёпирилиб кела бошлашди. Калучи кавми одамларининг ортик каршилик кўрсатишга кучлари етмай кочиб кетишди. Ушбу калучи гурухи батамом хон мулозимларидан иборат бўлган, бунга хеч кимда шубха бўлмаган. Охири улар калмоклар томонга кочиб кетишди. Хон жарохатлари тузалгандан сўнг уларни хамма жойдан кидирди, уларни бутунлай кириб ташлаш учун икки йил керак бўлди. Шундан сўнг хоннинг ишлари тўлик изга тушди. Мўгулистонда хеч ким унга карши туролмади. Бир неча марта у калмокларга карши муваффакиятли хужумлар килди, улардан кўпини ўлдирди. Икки марта Эсан Тойши билан жанг килиб, хар иккаласида хам голиб бўлди. Калмоклар ундан нихоятда кўркишган ва уни Олачахон деб аташган, бу мўгул тилида «Котил хон» деган маънони беради. Бу лакаб хонда умрбод колган, одамлар уни Олачахон дейишган. Хозир мўгуллар уни Султон Ахмадхон деб, бошка кавмлар эса «Олачахон» дейишади. Мирхонд, Хондамир Хиравий ва бошка тарихларда хам «Олачахон» деб ёзишган.

Шу вокеалардан кейин у ўзбек-козоклар устига юриш килди. Бунинг сабаби бундай эди: Султон Махмудхон хаётининг баёнида айтиб ўтган эдик, Султон Махмудхон икки марта ўзбек-козоклар билан жанг килиб, хар иккаласида хам маглуб бўлди. Шу сабабдан Султон Ахмадхон ўзбек-козоклар билан урушиб, уч марта галаба килди. Улар унинг акаси Султон Махмудхонга нима килишган бўлсалар, хаммаси учун касос олди. У Мўгулистонни шундай мустахкамлаб олдики, калмоклар ва ўзбеклар етти-саккиз ойлик йўл масофасида Мўгулистон худудига якин келолмайдиган бўлдилар. Мўгулистон чегараларидан кўнгли хотиржам Султон Ахмадхон 905 (1499-1500) йилда, яъни факир банданинг тугилган йилимда, Кошгар ва Абобакр мирзо ишини бир ёклик килишга киришди. У Кошгарга келганда, Абобакр мирзо Кошгарни ва Янги Хисорни лашкар ва озик-овкат билан таъминлаб, ўзи Ёркандга кетди. Абобакр мирзонинг амирлари бир неча бор хонга карши Кошгар ва Янги Хисор калъаларида жанг килишди, бунинг тафсилоти жуда узун. Нихоят Султон Ахмадхон куч билан Янги Хисор калъасини олди, Кошгар ахолиси калъани ташлаб, кочиб кетишди. Шу тахлит у Кошгар билан Янги Хисорни кўлга киритди. У кишни ўша ерда ўтказди ва оиласини Мўгулистондан Кошгарга кўчириб келди. Киш охирлаганда улар Ёркандга, Абобакр мирзо устига юришди. Абобакр мирзо калъадан чикмади. Султон Ахмадхоннинг жангчилари калъага юришдан маъно йўклигини кўришгач, Ёрканд тогига ўлжа учун жўнашди. Ўлжани кўлга киритгач, улар Ёрканд ва Кошгарга йўл олишди.

Абобакр мирзо кўп сонли лашкар билан Ёрканддан чикиб, тогда хоннинг йўлини кесиб чикди. Каттик жанг бўлди, дарё-дарё конлар тўкилиб, нихоят хон лашкари маглубиятга учради. Тор-мор килинган хон Кошгарга келди, лекин бу ерда кололмади. Кошгардан хам кочиб, Мўгулистонга кетди.

Шу тахлит бир йил ўтгач, Шохибекхоннинг Султон Махмудхонга карши душманлик харакатлари хакидаги хабар етиб келди. Укалик мехри товланиб, Султон Ахмадхон ўз

акаси ёнига жўнади. Ўз ўрнида катта ўгли Мансурхонни колдириб, унга хонлик хукукини берди. Колган икки ўгиллари Султон Саидхон билан Бобожок султонни хон ўзи билан бирга Тошкандга олиб кетди.
Икки хон, Султон Махмудхон билан Султон Ахмадхон Тошкандда учрашдилар. Учрашув пайтидаги хар хил расм-русумлар иккинчи китобда тасвирланади. Кискаси, улар Шохибекхонга карши кандай килиб курашиш хакида ўйлашди. Нихоят хонлар билан Шохибекхон ўрталарида Ахсида жанг бўлиб ўтди, хонлар енгилди ва асирга тушишди. Шохибекхон уларнинг илгариги хизматларини хисобга олиб, икковини хам Мўгулистонга жўнатиб юборди. Аммо мўгул улусидан кўпчилигини олиб колди. Иккала хон хам Мўгулистонга кетишди ва ўша кишни Оксувда ўтказишди. Султон Ахмадхон бир неча марта фалаж бўлди. Табиблар уни тузатишдан ожиз бўлишди ва 909 (1503-1504) йил кишнинг охирида Султон Ахмадхон вафот этди (Илохим, жойи жаннатда бўлсин).
Султон Ахмадхон бехад такводор хукмдор, хакикий мусулмон, шариат конунларидан хабардор хон эди. Шунинг учун кўп масалаларда шариатга таяниб иш кўрди. Шариат масалаларида у хеч хам кийналмасди. У гайратчан ва жасур киши бўлиб, бехад довюраклиги, аклу фаросати билан ажралиб турар, шу билан бирга камтар эди. У дарвиш, олим ва такводор кишиларни айникса хурмат киларди. У вактининг кўп кисмини тоат-ибодатга багишлаб, беш вакт намозни албатта жамоат билан ўкирди. У қариндошчилик ришталарини жуда кадрларди; олийхимматлилик ва хайрли ишларда ўша даврда унга тенг келадигани бўлмаган. Унинг муборак ёши ўттиз  тўккизда эди. Хаётининг тўлик тасвири иккинчи китобда берилади.

---

## Олтмиш бешинчи фасл. Мансурхон зикрида (Аллох унинг гунохларини магфират килсин).

Мансурхон – Султон Ахмадхоннинг катта ўгли. Султон Ахмадхон акаси Султон Махмудхонга кўмак бериш учун Тошкандга кетганида Мансурхонни ўз ўрнида колдирди. Бу 909 (1503-1504) йилда бўлган эди, ўшанда у ўн олти ёшда бўлиб, отаси Султон Ахмадхоннинг вафотигача хон бўлиб турди. Султон Махмудхон Оксувни ташлаб, Мўгулистонга кетгач, Мансурхон Оксувга жойлашди. У билан дўглат кавмидан бўлган амир Жабборберди орасида, меросхўрлар ўртасида бўлганидек, келишмовчилик юз берди ва у Жабборбердини ўлдириш фикрида бўлди. У жонини куткаришга чора излаб Абобакр мирзога одам юборди ва ундан мадад сўради. Абобакр мирзо бунака имкониятни анчадан бери Аллохдан сўрарди, у ўттиз минг кишилик лашкар билан Оксувга жўнади. Амир Жабборберди Абобакр мирзо истикболига шошилинч чикди. Абобакр мирзо лашкарининг курол-аслаха ва жангчилари тайёр холга келтирилди.
Бу хабар Мансурхонга етгач, у Оксув калъасини мустахкамлаб, у ерда лашкарни колдириб, ўзи Бой ва Кусан тарафга кетди. Амир Жабборберди Абобакр мирзога ишончи туфайли ўзи тугилиб ўсган юрти Уч калъасини Абобакр мирзога топшириб, у билан бирга Оксувга кетди.  Улар жанг билан Оксувни олиб, пулларни ва Султон Ахмадхон хамда унинг одамлари йигирма беш йил давомида тўплаб яшириб кўйган барча бойликларни эгаллаб олишди. Мўгуллар ва Оксув халкини – хамма-хаммасини кўчириб, Кошгарга жўнатишди. Абобакр мирзонинг ишончини козониш учун амир Жабборберди ўз оиласини хаммадан аввал жўнатди ва жон саклашнинг воситасини шунда кўрди. «Оиланг

шу ерда колаверсин» деди Абобакр мирзо. «Оилани кейин кўчириш кийин бўлади. Оилам хозир кетаверсин, мен бир неча кунга колиб, чекка туманларда хужум килиш ва талаш билан шугулланаман. Лашкарингизни ўлжа билан тўлик таъминлайман ва лашкар билан бирга Кошгарга, сизнинг хизматингизга бораман», деб жавоб берди амир Жабборберди. Абобакр мирзо амир Жабборбердининг бу хийласига ишониб, унинг оиласини олиб кетди ва ўз лашкаридан ўн минг одамни амир Жабборберди билан колдирди. Алданган, йўлдан тойдирилган Абобакр мирзо лашкари Кошгарга кетди, амир Жабборберди эса Оксув чегарасида колди.
Бу вокеалардан Мансурхон тамоман довдираб, ўзини ночор хис этди ва амир Жабборбердига касд килганидан пушаймон бўлди. Амир Жабборберди Мансурхоннинг тогаси бўлиб, Мансурхон унинг синглиси Сохиб Давлат бегимдан тугилган эди.
Шу пайтда амир Жабборберди келгани хакида хабар олиб келинди. Мансурхон унга киши юбориб, узр сўради, амир Жабборберди билан шартнома тузиб, уни олиб келди ва отаси Султон Ахмадхон кўрсатган илтифотлардан хам ошириб иззат-икром кўрсатди. Амир Жабборберди Мансурхоннинг хизматига келди, шундан сўнг хоннинг ишлари равнак топа бошлади.
Ўша кунларда хар хил кавмлар ўртасида душманлик юзага келар, у буларни кўлидан келганча яраштирарди.
Маълумотлар хотирада тўлик сакланмагани боис бу вокеаларнинг баёни муфассал келтирилмади. Кискаси, шу орада Мўгулистонда Султон Махмудхон, Султон Саидхон ва Султон Халил султон ўртасида юз берган келишмовчиликлар хакида хабар етиб келди. Мансурхон Мўгулистонга бориб, амакиси Султон Махмудхон билан яна бир марта учрашди. Катта амакиси мажлисида Мансурхон ўз укалари Султон Саидхон ва Султон Халил султон билан учрашди. Ажрашганларидан кейин Султон Махмудхон Мўгулистонда қололмади. Мўгулистондаги ишларни тартибга келтириш унинг кўлидан келмади ва у аввал айтиб ўтганимиздек, Мовароуннахрга бориб, ўша ерда халок бўлди.
Султон Махмудхоннинг вилоятга кетганини эшитгач, Мансурхон укалари кошига йўл олди. У келган пайтда бу икки султон киргизлар ва колган мўгуллар билан бирга Мўгулистонда эди. Чорун Чолак деган жойда каттик жанг бўлди, Мансурхон галаба килди, икки ака-ука вилоятга кочиб кетишди.
Улар Андижонга етишганда, Андижон хокими Жонибек султон Султон Халил султонни ўлдирди. Султон Саидхон Кобулга кочиб кетди. Бунинг баёни иккинчи китобда келтирилади, Султон Саидхон хаётининг шархида хам ёритилади.
Мансурхон Мўгулистонда бўлган киргизлар ва бошка элатларни Чалиш ва Турфонга кўчиб кетишга мажбур килди. Киргизлар Мўгулистондаги барча бузгунчиликларнинг сабабчилари бўлганлигидан Мансурхон хийла билан уларнинг кўпини ўлдирди, озрок кисми Мўгулистонга кочиб кетди. Кейин у бир неча бор калмоклар устига юриш килди, аксарият холларда галаба козонди ва Мансурхоннинг ишлари ривож топди. Аммо ака-укалар гохида унга карши кўзгалиб туришди. Улардан Эмин Хожа султон айникса, кўпрок душманлик килди. Мансурхон икки марта унинг исёнини яхшиликча бостирди, унга хеч нима демади, у учинчи марта кўзголганида уни тутиб олиб Ёрака отабегига топширди ва ўлдиришни буюрди. Ёрака отабеги Эмин Хожа султонни бир жойга бекитиб кўйди-да, хонга, буйрукни бажардим, деди.
Бир йил ўтгач, Мансурхоннинг яна бир укаси Бобожок султон хондан кочиб, Бой ва Кусанга кетди. Абобакр мирзо билан амир Жабборберди вайрон килганларидан бери Бой ва Кусан ўша холича ётган эди. Бобожок султон бу ерга келиб, дехкончилик билан

шугулланди ва вайрон бўлган калъани тиклади.
Мансурхон Бобожок султонга карши юриш килди. Аввал у укасига мурожаат килишни панд-насихатдан бошлади, гапини тинчлик, хамжихатлик хакидаги сўзлар билан тугатди. Бобожок султон: «Кандай килиб мен сизга ишонай, сиз худди мендек укангиз бўлган Эмин Хожа султонни душман сингари ўлдирган бўлсангиз. Сизга хеч бир ишончим колмади» деди. Мансурхон Эмин Хожа султонни ўлдиришга буюрганидан пушаймон бўлди ва нима деб жавоб килишини билмади. Шу аснода Ёрака отабеги; «Мен ўзбошимчалик килдим, сизнинг буйругингизга карамай мен унинг хаётини саклаб колдим» деди. Мансурхон кувониб кетиб, бу иши учун Ёрака отабегининг мансабини кўтарди, Эмин Хожа султонни эса Бобожок султон ёнига жўнатди. Бобожок Мансурхонга бўйин эгди ва яхши иттифоклик йўлга кўйилди.
Шу вактда Султон Саидхоннинг Абобакр мирзо устидан козонган галабаси ва Кошгарнинг озод килингани хакида хабар келди. Бобожок султон Эмин Хожа султонни Саидхон кошига жўнатди – Бобожок султон билан Мансурхон бир онадан эдилар. Султон Саидхон Эмин Хожа султоннинг келганидан бехад хурсанд бўлди. Бу вокеалар тафсилоти иккинчи китобда келади.
Мансурхон Султон Саидхондан Султон Халилнинг ўлими туфайли жуда кўркарди, негаки у Султон Саидхон билан бир онадан тугилган эди, Султон Саидхон билан Мансурхон ўртасида душманлик хукм сурарди. Мансурхон унинг эски душманлик йўлидан боришига каттик ишонарди, аммо Мансурхон мулохазасига карама-карши ўларок, Султон Саидхон акаси Мансурхон кошига элчи юбориб, у билан учрашишни сўради. Учрашув 912 (1506-1507) йилда Оксув билан Кусан ўртасида бўлиб ўтди; Султон Саидхон акасига бош эгди ва хутбани унинг номига ўкитди. Ака-укалар ўртасида якин муносабат ўрнатилди. Икки ака-уканинг хамжихатлиги туфайли йигирма йил давомида мамлакатда тинчлик хукм сурди. Айтайлик, бирор одам Хитой шахри Камуладанми ёки Андижонданми келаётган бўлса, хеч качон озик-овкат ёки от-уловга мухтожлик сезмаган, аксинча, хар кеча бирорта хонадонда мехмон бўлган. Мухаммад (с.а.в) ва унинг умматлари номидан сўраймизки, хар бир ишга кодир Аллох нариги дунёда бу икки олийжаноб ака-укага муносиб бандалар орасидан жой ато этсин ва уларга жаннат эшикларини очсин.
Ана шу йигирма йил ичида Мансурхон бир неча марта калмокларга карши Хитойга газавот эълон килди ва хар гал галаба билан кайтди. Шу урушлардан бирида амир Жабборберди, шунингдек, Хожа Тожиддин Мухаммад шахид бўлишди. Хожа Тожиддин Мавлоно Аршадиддин наслидан таркалган Кусан хожаларидан бўлган. Мўгулларда Мавлоно Аршадиддин туфайли ислом дини йўлга кўйилди, бунинг баёни аввал берилган эди. Хожа Тожиддин Мавлоно Али Аррон Тусий (Аллох рахматига олсин) кўлида таълим олди ва бир неча марта пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллох хазратлари билан учрашишга муяссар бўлди ва Эшоннинг муборак чехраларини кўришдек саодатга эришди.
Факир банда Хожа Тожиддиннинг ўз огзидан эшитганим бор эди, у бир куни: «Мен эшон хазратлари олдида  ўтирганимда, у киши, шубхали лукмани ейишдан тийилмок керак», дедилар. Мен йигинда иштирок этаётган одамларга разм солдим, хаммалари такводор инсонлар эди, мендан бўлак бундай пархезга риоя килмайдиган хеч ким йўк эди. Шундан бошлаб мен поклигига ишончим комил бўлмаган овкатларни емасликка ўзимга сўз бердим, мен дастурхонингиздан овкат еёлмасам, мени маъзур тутинг» деган эди. Шундан кўриниб турибдики, Хожа Тожиддин такводор ва нафсини тия оладиган киши бўлган. Эллик йил мобайнида у доимо Султон Ахмадхон билан Мансурхоннинг ёнларида

бўлди, хонлар унга сигиниш даражасида бўлишган. У хеч кимдан, хонлардан хам, султонлардан хам, амирлару жангчилардан хам, халкдан хам, бокколлару дехконлардан хам хеч кандай хайр-эхсон ёки совга-салом кабул килмаган. Хожа Тожиддин тижорат ва дехкончилик билан шугулланган, бунинг эвазига кодир Аллох унга кўрсатган инояти туфайли катта бойлик тўплаган. У йил бўйи хон ва амирларга канчалар саховатпешалик килган! Гарибу гураболар, оддий халк, дехконлар ва бакколлар, хунармандлар – хамма ундан наф кўрган. Шу сабабдан унга ишончсизлик билан карайдиган одам бўлмаган, барча давлат ишлари у туфайли муваффакиятли хал этилган. Дархакикат, у бехад улуг, халол, сахий, багрикенг одам бўлган. Хитойга карши олиб борилган урушлардан бирида у Мансурхоннинг кўзи олдида исломнинг жафокаши сифатида жон берган (Аллох охиратини обод килсин).
Кискаси, Мансурхон Хитойга карши адолатли урушни тугатгач, Мўгулистондаги Арисда ўзбек-козоклар билан жанг бўлди ва хон енгилди. Мансурхон хокимиятининг бош устунларидан бири Сўфи мирзо бекчик ўлдирилди. Шундан сўнг Мансурхон Чалиш ва Турфондан нарига кам чикадиган бўлди. Султон Саидхон вафот этгач, у икки марта Оксувга юриш килди, хеч нарсага эришолмай оркасига кайтди. У 950 (1543-1544) йилда вафот этди (Илохим Ўзи унга жаннатдан жой ато этсин). Ўшанда унинг муборак ёши олтмиш атрофида  эди. Чигатой хонларидан, Юнусхондан ташкари хеч ким, шу ёшгача яшамаган. У 907 (1501-1502) йилда ўн олти ёшида тахтга ўтириб, кирк уч йил подшолик килди. Чигатой хонларидан хеч ким шунча йил хукмронлик килмаган. Шундай узок умр ва шундай мустахкам хокимият мўгул хонларининг бирортасига насиб килмаган. Унинг хаёти бошидан охиригача хайрли ишлар ва такводорлик билан безанган. Унга якин одамлардан эшитган эдимки, у ўз вактининг факатгина бешдан бир кисмини давлат ишларига сарфлаган, колган вакти Куръон мутолаасига, намоз ўкишга ва Аллохга сигинишга кетган. Вактни таксимлаш махорати бўйича хукмдорлар, хатто тарикат ахли орасида хам унга ўхшагани кам топилса керак. Шубхасиз, шу ишлари оркасидан унга мана шундай узок умр ва шундай дунёвий бойлик насиб килганки, бунакасига унинг тоифасидаги бирор кимса эришолмаган. Ишончимиз комилки, карами кенг Аллох унинг ёруг оламдаги хаёти сингари у дунёсини хам обод килади (Илохим шундай бўлсин). У хаётни жуда зўр билган, ўткир акл эгаси бўлган, тинчликни саклаш, лашкарни жамлаш ва уни бошкариш санъатини эгаллаган. Унинг табиатида подшолик дабдабаларига, хонларча ўзини катта олиш, такаббурликка мойиллик бўлмаган, хатто аксинча, у оддий бўлишга, ўзини бошкалардан ажратмасликка харакат килган.
Ўша пайтда яхши кироат киладиган бир хофиз бўлган экан. У Куръонни зўр ўзлаштирган, ўша манзилларда кироатни ундан яхши биладиган одам бўлмаган; одамлар уни «Хофизи магасак», яъни «Итчивин кори» деб аташган. У табиатан  шу даражада бетайин ва бузук одам бўлганки, буни тасвирлашдан тийилган маъкул. Мансурхон ундан Куръонни ўрганган. Унинг айрим мулозимлари ёлгиз колишган пайтда хонга ўша хофизнинг устозликка нолойик эканлигини айтишган, чунки у бехад ахлоксиз нусха, якинда уни сигир билан ярамас иш килаётганда кўришган. Хоннинг шундай одамга шогирд бўлиши тўгрими?» – дея эътироз билдиришган. Хон: «Мен ундан Куръонни ўрганяпман, унинг ярамасликларини ўрганиш ниятим йўк» деб жавоб берган.
Буни айтишдан максад, Мансурхоннинг кай даражада хакикий мусулмон бўлганлигини кўрсатишдир; у бутун онгли хаётини мусулмончиликка багишлаган. Ундан икки ўгил – Шоххон ва Мухаммад султон, бир киз колган бўлиб, кизини Султон Саидхон ўгли Рашид султонга олиб берган, бу хакда иккинчи китобда сўз юритилади.

## Олтмиш олтинчи фасл. Шоххон ибн Мансурхоннинг баёни.

Мансурхон (Аллох гўрини нурафшон килсин) хаётининг сўнгги кунларида катта ўгли Шоххонни хон кўтарди, ўзи эса узлатга кетди. Мансурхоннинг вафотидан сўнг Шоххон тўла мустакилликка эришди ва мана хозир хам, яъни 952 (1545-1546) йилда отасининг ўрнида Турфон ва Чалишда хонлик килмокда. Отасининг мулозимлари билан муносабатда, хонлик ишларида ва давлатни бошкаришда у нотўгри йўл тутди. Ўзим хам эшитганман, хаммага хам бу маълум, у нолойик феъл-атвори билан ном чикарган – буни изохлаш мазкур китоб максадига кирмайди.
Падари бузрукворининг хаётлик чогидаёк у окпадарлик лойи билан муборак номни ва поклик либосини ифлос килди хамда такводор отасига рисоладагидек хурмат-иззат кўрсатмади, бу дунёнинг бахт-саодати бўлган солих фарзандлик бурчини адо этмади. Шундок бўлса-да, тарих битувчиларнинг одатлари шундайки, вокеалар канчалик эслашга нолойик бўлмасин, улар уни тасвирлашдан тийилмайдилар, негаки уларнинг максади хукмдорларнинг мактовга лойик феъл-атворларини кўрсатиб, ножоиз ишларини четлаб ўтиш эмасдир. Дунё халклари тарихи тўгри сакланмоги учун улар хамма нарсани кандай бўлса, шундоклигича ёритиб беришлари лозим.
Келажакда хар бир одам, у юкори табакаданми ёки бошкаданми, бу сатрларни ўкиб, бунинг панд-насихат эканлигини тушуниб, яхши хулклардан ё бўлмаса ярамас хатти-харакатлардан охир-окибат нима кутиш мумкинлигини ўзи учун белгилаб олар, нега хар бир шахс ундок ёки бундок тарзда тасвирланганига акли етар. Ва эхтимол, бу панд-насихатларни ўзига кабул килиб, кишилар уни келажакда эзгу дуолар билан эслашлари учун яхши амалларга кўл уриб, ёмонликлардан тийилар, иншооллох.

## Олтмиш еттинчи фасл. Султон Саидхон ибн Султон Ахмадхон баёни.

Султон Ахмадхоннинг ўн саккизта ўгли бўлган, энг каттаси Мансурхон бўлиб, у хакда юкорида тўхталдик. Ундан кейингиси Искандар султон, отасидан сўнг ўз ажали билан ўлган. Ундан сўнг Султон Саидхон келади. Колган ўн бештасининг хаёти иккинчи китобда ёритилади.
Султон Ахмадхон акаси Султон Махмудхонга мадад бериш учун кетганида Султон Саидхон ўн тўрт ёшда эди. У фарзандлари ичидан факат икки ўглини – Султон Саидхонни ва Бобожок султонни ўзи билан олиб кетди. Хонлар бирга бўлган ўша кунларда Султон Саидхоннинг хаёти падари бузруквори хамда саодатманд амакисининг гамхўрликлари остида гоятда бахтиёр кечди. Бу икки хон билан Шохибекхон ўртасида Ахсида жанг бўлгунига кадар шундай давом этди, жанг тафсилотлари юкорида келтирилган эди. Кочаётганда Султон Саидхоннинг бўкса суягига ўк тегиб, суякни жарохатлайди. У бир пана жойга бекиниб олди.
Хужумлар тўхтаб, одамлар ўз жойларида карор топгандан кейин уни топиб олишди. Оёги жарохатлангани учун уни хеч каёкка олиб боришмади. Бир неча кундан кейин саломатлиги бироз яхшилангач, уни Ахси хокими Шайх Боязид олдига олиб боришди. Шайх Боязид ва унинг укаси Султон Ахмад Танбал хаётларининг баёни иккинчи китобда

келтирилади. Шайх Боязид Султон Саидхонни камокда саклади. Келгуси йили бугдой пишиги махали Шохибекхон яна Фаргонага ва Султон Ахмад Танбал устига юриш килган пайтда Султон Ахмад Танбал билан Шайх Боязид барча ака-укалари билан бирга Шохибек кўлида шахид бўлишди. Шохибекхон Фаргонани эгаллаб олди.
Султон Саидхон Ахсида Шайх Боязид камогида ётган эди. Шохибекхоннинг одамлари Султон Саидхонни камокдан чикариб, Шохибекхон кошига олиб келишди. Шохибекхон Султон Саидхонга худди ўз ўглидек муомала килиб, унга чин кўнгилдан ачинди ва уни ўзи билан Самаркандга олиб бориб, у ердан лашкар билан бирга Хисорга олиб кетди. Хисравшох Хисор, Кундуз ва Бадахшонни олганда Султон Саидхон Шохибекхон билан бирга эди. Шохибекхон у ердаги ишлардан озод бўлгач, тагин Самаркандга кайтди, у ердан Хоразмга йўл олди. Султон Саидхон бу пайтда ундан кочиб Мўгулистонга кетиб колди. У Ўзганд йўли билан  Еттикандга етди. Еттикандда ўша пайтда Султон Махмудхон ўтирарди. Бир муддат катта амакиси ёнида ушланди, аммо Султон Махмудхон феълидаги хокимият ишларига нисбатан пала-партиш муносабатни кўриб Султон Саидхоннинг батамом хафсаласи пир бўлди. У Султон Махмудхондан кочиб, Мўгулистонга укаси Султон Халил султон ёнига кетди, ўша пайтда у киргизлар хукмдори эди, тўрт йил Мўгулистонда укаси билан киргизлар орасида яшади. Бу тўрт йил мобайнида Султон Махмудхон, Мансурхон ва бу икки ака-укалар ўртасида кўп вокеалар бўлиб ўтди. Охири шундай бўлдики, Султон Махмудхон мана шу жиянлари туфайли Мўгулистонда кололмай, Шохибекхон ёнига унинг хомийлигидан умид килиб кетди. Шохибекхон  уни Хўжандда катл этди, бу хакда тўхталган эдик.
Султон Махмудхон Шохибек кошига кетганида, бу икки ака-ука Мўгулистонда киргизлар орасида колишди. Шунда, Мансурхоннинг Чалиш ва Турфондан кўшин тортиб, Мўгулистон киргизларини бўйсундириш учун ака-укалар устига юриш килгани хакидаги хабар етиб келди.
Султон Саидхон билан Султон Халил султон икковлари бутун киргиз ва мўгулларни тўплаб, Чорун Чолак деган ерда бир мустахкам жойни танлаб, жангга шай бўлиб туришди. Мансурхон хам лашкарини тўплаб етиб келди. Каттик жанг бўлди, охирида Султон Саидхон билан Султон Халил султон маглуб бўлишди. Мансурхон баёнида айтиб ўтганимиздек, Мансурхон киргизларни Чалишга кўчирди.
Султон Халил султон жанг майдонидан кочиб, бир канча одамлари билан зора Шохибекхон мурувват кўрсатса, деган умидда Фаргонага, амакиси Султон Махмудхон изидан йўлга тушди. У Ахсига келганида Шохибекхоннинг амакиваччаларидан бири Фаргона хокими Жонибек султон уни ўлдирди.
Султон Саидхон жанггохдан кетгач, Мўгулистонда харбий карокчилик (козоклик) килиб юришга карор килди, бирок шундай вокеалар юз бердики, Мўгулистонда колишнинг иложи бўлмай колди. У вокеалар иккинчи китобда шархланади, бу ерда кискача тўхталамиз. Султон Саидхон хам Андижонга кетишга мажбур бўлди. Кандайдир сабабга кўра у ердан хам кочиб, Кобулга, Умаршайх мирзонинг ўгли, аммаваччаси Бобур Подшох ёнига кетди. Бобур Подшох унга катта иззат-икром кўрсатди. Султон Саидхон Кобулда уч йил турди. Шох Исмоил Марвда Шохибекхонни ўлдирганида Бобур Подшох Кобулдан Кундузга йўл олди, Султон Саидхон хам у билан бирга Кундузга борди. Бу орада Мухаммад Хайдар мирзонинг ўгли, мазкур «Тарих» муаллифи каминанинг амакиси Саид Мухаммад мирзо Андижонга бостириб кириб, Андижондан Жонибек султонни кувиб чикарди ва Фаргона вилоятини эгаллади. У килган ишлари хакида Бобур Подшохга одам юбориб хабар килди. Бобур Подшох  ўз хизматида бўлган мўгул амирлари билан кўшиб

Султон Саидхонни Андижонга юборди. Амаким Саид Мухаммад мирзо уни кутиб олишга шошилди ва ўзи эгаллаган вилоятни унга бутунлай топширди. У кадимги мўгул удумига кўра менинг амакимни рагбатлантирди, яъни ўзига отамерос улусбеги мансабини унга берди.
Ўша кунлари Абобакр мирзо Андижонга юриш килди. Фаргонани эгаллаш иштиёкида у Кошгардаги лашкарини куроллантириб келди. Хон бир ярим минг одами билан Андижондан икки фарсах наридаги Тутлик деган жойда Абобакр мирзони кутиб олди, икки лашкар тўкнашди. Аллох кўмаги билан хон бир ярим минг лашкари билан йигирма минг кишилик лашкар устидан галаба килди.
Каттик жанг бўлиб, кўп кон тўкилди. Шу галабадан сўнг атроф-теваракдаги султонлар Султон Саидхондан кўркиб колишди. Ўзбак султонлари Фаргона чегарасида, Самарканд ва Тошкандда тўпланишди. Шу вокеадан кейин Бобур Подшох Хисори Шодмонда ўша ўлкаларнинг султонлари билан жанг килди ва галабага эришди. Ўзи етказган мана шу зарба билан у Мовароуннахрдан барча ўзбекларни кувиб чикарди ва Самарканд тахтига ўтирди. 917 (1511-1512) йилнинг ражаб ойида Султон Саидхон Андижонда карор топди. Ўша йилнинг эрта бахорида ўзбеклар иккинчи марта Тошкандга бостириб келишди, Убайдуллоххон Бухорога жўнади. Бобур Подшох Убайдуллоххонга карши кўтарилди. Бухоро чегарасида жанг бўлиб, Убайдуллоххон зафар козонди. Бобур Подшох енгилиб, Самаркандга кайтди, оиласи ва керакли юкларини олиб Хисорга кочди. Ўзбаклар тагин галаба килди.
Султон Саидхон Андижонда колди. Бобур Подшох мадад сўраб Шох Исмоилга мурожаат килди. У Бобурга ёрдам бериш учун амирларидан Мир Нажм Сонийни олтмиш минг кишилик лашкар билан жўнатди. Бобур Подшох уларга кўшилиб Самаркандга йўл олди. Султон Саидхон Андижон тарафдан ўзбекларга карши кўшин тортиб, Самаркандга йўл олди. Тошканд чегарасида хонга карши Суюнжикхон турарди. Колган барча ўзбек хонлари ва султонлари Бобур Подшохга карши бўлиб Самарканд ва Бухорода тўпланишди. Султон Саидхон билан Суюнжикхон ўрталарида Тошканд чегарасида жанг бўлди. Хонда беш минг кишилик, Суюнжикхонда етти минг кишилик лашкар бор эди. Каттик жанг бўлиб, охири Суюнжикхон зафар топди; Султон Саидхон кочиб Андижонга келди. Шундан кейинрок Бобур Подшох хам Бухоро якинидаги Гиждувонда ўзбек султонларидан енгилиб, Хисорга кетди.
Камина кулингиз, мазкур «Тарих»нинг муаллифи, Бобур Подшохдан рухсат олиб, у Мир Нажм Сонийга кўшилган пайтда, Андижонга Султон Саидхоннинг хизматига келдим, бу Султон Саидхон Суюнжикхондан енгилган пайт эди. Бахор келгач, хон Дашти Кипчок хокими Косимхон олдига борди, – ўша пайтда унинг лашкарининг сони уч юз минг киши бўлган. Косимхон Султон Саидхонга шундай иззат-икромлар кўрсатдики, хон буни кўп йиллар эслаб юрди. Хон у ердан кайтгач, мени ўз тенгларим орасида хаммадан ортик кўриб, кўрагон – хон куёви килди. Бунинг тафсилотлари иккинчи китобда батафсил ёритилади.
920 (1514-1515) йилнинг эрта бахорида барча машхур ўзбек султонлари тамоми одамлари хамда катта лашкарлари билан Андижон сари юзландилар. Хон бу пайтда жанг килишни маъкул кўрмай, душман лашкари хали Фаргона чегарасига етмай туриб Мўгулистонга кетди. Еттикандга етганда у машварат уюштирди ва амаким (Абобакр мирзонинг акаси) Саид Мухаммад мирзонинг саъй-харакатлари хамда тўгри маслахати туфайли Кошгарга йўл олди. Кошгарда каттик жанг бўлди, Кошгар лашкари маглубиятга учраб, Кошгар калъасига бекиниб олди. Султон Саидхон Янги Хисорга юриш килди. Уч

ой Янги Хисорни камал килиб турди, охири Янги Хисор халки амаким билан богланиб, калъани топширишди. Кочоклар Абобакр мирзо ёнига Ёркандга келганларида Мирзо хам кочишга карор килди ва Хўтанга ўтди. Унинг изидан Султон Саидхон хам Ёркандга етиб келди ва Абобакр мирзо ортидан кўшин жўнатди. Кўшин уни Тибат тогларигача кувиб бориб, бехисоб кийим-кечак, бошка буюмлар, хўкиз хамда отлар мўгул лашкари кўлига тушди – бу хакда иккинчи китобда хам тўхталамиз.
Султон Саидхон Кошгар тахтига 920 йилнинг ражаб ойида (1514 йилнинг май-июни) ўтирди.
Ўша кишнинг охирида Турфондан Султон Саидхоннинг бир ота-онадан бўлган укаси Эмин Хожа султон келди, у хакда ёзган эдик. У барча амирларни Мансурхонни йўк килишга ундай бошлади, унинг заифлашиб колганини айтди, уларга Мансурхоннинг илгари Мўгулистонда килган душманлик хатти-харакатларини бирма-бир санаб берди. Султон Саидхон унга: «У бизнинг энг катта акамиз. Бизнинг вазифамиз унга бўйсуниш ва хизмат килишдир, ўша пайтда биз килишимиз керак бўлган ишларни килмаганмизки, у бизга адаб ўргатган. Ўша даврларда мен унга нисбатан итоатгўйликни жойига кўймаганман, яхши хизмат килмаганман, шу боисдан у мени жазолаган. Бунинг учун унга кек сакламаслик керак, аксинча, нотўгри ишларимиз учун узр сўрашимиз лозим», дея насихат килди. Ўтган хатоларининг ўрнини тўлдирмок максадида Мансурхонга элчи юбориб узр ва итоатини изхор килди. Укаси билан ораларида бўлиб ўтган душманликлардан хавфсираб, кўркиб юрган Мансурхон бу хабарни эшитиб енгил нафас олди, калби кувончга тўлиб, юрагини ховучлаб учрашувга шошилди. Улар Оксув ва Кусан оралигида учрашдилар. Султон Саидхон  унинг номига хутба ўкишни ва танга зарб уришни буюрди ва бу билан Мансурхонга тўлик итоатини изхор килди. Илгари Мансурхоннинг душманлиги туфайли нима бўлган бўлса, буни ўз олийжаноблиги ва итоатгўйлиги билан ювди. Икки бахтиёр хукмдорнинг ана шундай инок-иттифокликлари боис мамлакатда шундай осойишталик ва фаровонлик хукм сурдики, одамлар хеч бир кўркув ва ташвишни билмай, йўлдошсиз Хитойнинг Комул шахри ва Фаргона вилояти оралигида, озик-овкатсиз хам бемалол юраверишди.
Ана шу келишув йилининг ифодаси учун олимлар ва уларнинг шогирдлари «Икки хурсанд лашкар» сўзларидан тарих туздиларки, ундаги харфлар йигиндисидан ўша йил, яъни 923 (1517) йил келиб чикади.
Келгуси йили Мухаммад киргиз Туркистон ва Сайрамга хужумлар уюштириб, мусулмонларни талагани сабабли Султон Саидхон исломга жони ачиганидан унинг бу харакатларини хакорат деб билиб, Мухаммад киргизга хужум килди ва унинг мусулмонларга килган ёмонликларини унга хамда киргизларга ортиги билан кайтарди. Хон Мухаммад киргизни тутиб камади ва у ўн беш йил камокда ётди.
928 (1521-1522) йилда Султон Саидхон ўгли Рашид Султонни Мўгулистонга жўнатди ва бутун Мўгулистон хамда киргизларни ўз хокимиятига бўйсундирди. Охири шундай бўлдики, мангитларнинг хужумлари туфайли ўзбек-козокларнинг Дашти Кипчокда колишлари мумкин бўлмай колди ва улар Мўгулистонга кетишди. Улар икки юз минг киши эди, уларга бас келмокнинг иложи бўлмай, Рашид Султон яна Кошгарга кайтди. Султон Саидхон Бадахшонга юриш килиб, Бадахшоннинг ярмини ўз тасаррруфига олдики, у хозиргача Кошгар хукуматига карашлидир. Бунинг тафсилоти жуда узун. Бадахшон улуглари ўртасидаги, аввал айтиб ўтилганидек, Шохбегим билан боглик мерос талашишлар туфайли жанжаллар келиб чикдики, булар «Тарих»нинг иккинчи китобида ёритилади. Хон Бадахшонга икки марта кўшин тортди, бир марта 925 (1519) йилда,

иккинчи марта 936 (1529) йилда. 934 (1527-1528) йилда хон мени Рашид Султон билан бирга Балурга, кофирлар юрти, Бадахшон ва Кашмир ўртасидаги Кофиристонга жўнатди, биз у ерда газавот килиб, галабага эришиб, эсон-омон, сог-саломат кайтиб келдик.
Бундан сўнг бир мунча вакт ўтгач, одамларнинг ичикоралиги, ярамаслиги ва мугомбирлиги оркасида шундай бўлдики, хон мени Рашид султон билан бирга Оксувга жўнатиб, у ердан Эмин Хожа султонни олиб келишни буюрди, юкорида айтиб ўтилганидек, илгари Оксув унга берилган эди. Оксув Абобакр мирзо томонидан 909 (1503-1504) йилда босиб олингандан бошлаб то 923 (1517) йилгача вайрон холида ётган эди, Эмин Хожа султон уни обод килди. Биз Эмин Хожа султонни одамлари билан у ердан Кошгарга кўчирдик. Мен Рашид султонни Оксувда колдириб, унинг харбий ишларини, кўл остидагилар билан муомаласини изга тушириб, хоннинг хизматига кайтиб келдим. Эмин Хожа султонни Хиндистонга юборган эдилар, Хиндистонда ўз ажали билан ўлди.
938 (1531-1532) йилда Султон Саидхон кофирлар юрти Тибатга газавотга жўнади. У мени у ёкка олдинрок жўнатди, Тибатнинг айрим калъаларини олдим, хон изимдан етиб келгунига кадар Тибатнинг кўплаб вилоятларини эгаллаган эдим. Иккала лашкар бирлашгач, беш минг киши бўлди. Бутун Тибатда киш ичида беш минг кишини тўйдириш имкони йўк эди. Шунда хон мени Искандар султонга кўшиб, тўрт минг киши билан Кашмирга жўнатишни маъкул кўрди. Хоннинг ўзи Тибат билан Балур оралигидаги Балти вилоятига йўл олди. Хон кишда Балтида газавот билан машгул бўлиб, кўклам яна Тибатга кайтди.
Ўша кишда мен Кашмирда бўлдим, киш охирлаганда жанг бўлди, мехрибон Аллох менга галаба ато килди. Бутун Кашмир лашкари ва Кашмир улуглари йўк килинди, Кашмирни эгаллаш масаласи хал бўлган эди, аммо, одатлари бирор ишни бузишдан иборат бўлган ичикора одамлар туфайли тўлик эгаллаш имкони бўлмади, Кашмир хокимияти билан сулх тузилди. Кашмир хукмдори Мухаммад шохнинг кизини Искандар султонга унаштиришди, Султон Саидхоннинг номига хутба ўкилиб, танга зарб килинди. Кашмир молини канча бўлса йигиб,  ўша йили бахорда Тибатга хоннинг хизматига келдим. Хон менга кўплаб илтифот, шохона иззат-икромлар кўрсатди, мени Хитой ва Тибат оралигидаги Урсанг деган жойга жўнатиб, ўзи Кошгарга йўл олди.
Хон Тибатга келгандан кейин унда бошланган нафас кисиш касали натижасида нимжон бўлиб колди. Тибатда бўлган даврида тузалмади, аммо нима килиб бўлса хам у бу йўлни ўтиши керак эди. Нафас бўгиладиган жойга етганда ана шу нафас кисиш дарди дастидан рухи абадиятга парвоз килди, 939 (июн-июл 1533) йил эди. Бу ходиса «Тарих»нинг иккинчи китобида муфассал баён килинади.

---

## Олтмиш саккизинчи фасл. Султон Саидхоннинг барча фазилату яхши хислатлари баёни.

Султон Саидхон олийжаноб, саодатманд, улуг, хотиржамлик улашувчи, яхши хулк-атвору хилма-хил фазилатлар ила безанган хукмдор эди. У Аллох висолига дохил бўлган пайтда унинг муборак ёши кирк саккиз атрофида эди. Унинг хайрли ишларида кўз илгаши мумкин бўлган камчилик йўк эди. Гоятда илтифотли, хушсухбат эди, ўзбекча гапирадими,

форсчами, бехад чиройли сўзларди. Бирор одамга мурожаат килмокчи бўлса, олдин жилмаярди. У хамиша кувнок, мехрибон, багрикенг эди. Масалан, аллакандай Максуд Али деган одам жанг пайтида уни чап елкасидан ўк отиб ярадор килган, хон икки йил азоб чекиб, халокатга якин колганди. Шунда хон тўшакда ётганида ўша Максуд Алини тутиб, хон ундан ўчини олсин, дея унинг олдига олиб келишади. Хон бўлса уни сийлаб, тўнини унга совга килади, холбуки, ўзининг бундан бошка тўни йўк эди, ўз сухбатига уни муяссар килади. «Зерикиб ўтирган эдим, келганинг яхши бўлди» дейди хон. У умрининг охиригача унга шундай хушмуомалада бўлди. Шундай ва шунга ўхшаш ишлар унинг хаётида кўп бўлган, улар хакида иккинчи китобда тўхталамиз.
Унинг сахийлиги таърифга сигмайди. Мен унинг хизматида йигирма тўрт йил бўлдим. Султон Саидхон бор нарсани сахийларча улашганидан омборларда хеч нарса колмас, хон ошхонаси бўм-бўш бўларди, ўзи эса харамда овкатланарди. Шундан кўриниб турибдики, ўз тасарруфидаги жойлардан тушган даромад хатто совга-саломга етмасди. Баходирликда тенги йўк эди. Масалан, бир куни унинг ёнида эдим, унинг ўзи биринчи бўлиб душманга хамла килди, бунинг баёни иккинчи китобда келади.
Мерганликда мўгул, ўзбек, чигатойдан олдин хам, кейин хам унга тенг келадигани йўк эди. Камина неча бор гувох бўлганман, кийик овида хам, куён ёки бошка жонзот овида хам етти-саккиз ўкни бирданига бехато жўнатарди. Мўгулистонда киргизлар ёки бошкалар билан бўлган жангларда отган ўклари ўша кавмлар орасида машхур эди.
Олийжанобликда хонга ўхшаган одамларни мен кам учратганман. Бир куни Андижонга бир нусха хонга суикасд килмок учун келиб, кулай вазият тополмай охири отхонадан хоннинг отини ўгирлаб кетди. Йўлда уни от билан ушлаб олишиб, хон кошига олиб келишади. Унинг ўзи хонга шундай дейди: «Мен бу ерга аник максад билан келган эдим, аммо имкон тополмадим. Шунда мен «кел, хоннинг отхонасидан унинг хос отини олиб кетай, шу билан нимадир килган бўламанку ахир, дедим». Хамма уни ўлдириш керак, деган фикрни айтади, бирок хон каминага деди: «Уни мулозимларингга топшир, улар уни кўриклашсин, нима карорга келишса, ўшани ижро килишсин». Одамлар таркалишгач, хон менга деди: «Рахмдил Аллох мени шу нусханинг ёмон ниятидан асрагани эвазига шу отни унга бергин-да, мулозимларинг кўлига топшир, улар уни кароргохдан олиб чикиб, узокрокка олиб боришсин-да, озод килиб юборишсин. Харкалай одамлар, шўрлик ўз максадини амалга оширипти, деб ўйлашади ва у ўз авлодлари олдида уятга колмайди».
Билимдонликда мен унга ўхшаган кишини умримда кўрмаганман, борди-ю унинг кўлига саводсизларча, ажи-бужи килиб ёзилган хат тушиб колса хам, шеърми ёки насрда ёзилганми, фарки йўк, тутилмай ўкирди, кишининг назарида ўша хатни у гўё ёддан биларди. Насталик хатида чиройли ёзарди, имлоси форсийда хам, туркийда хам, арабийда хам тўгри ва бекаму кўст эди. У туркийда чиройли килиб иншо тузишда беназир эди, бунакаси кўплаб билимдонларнинг кўлидан келмасди. Унингдек шеър битиш махоратига эга одамларни кам кўрганман. У ўйлаб ўтирмасдан бадиха шеър айтарди, йигинлар ва сухбатлар пайтида олдидаги кандай девонни очишмасин, ўша шеърларнинг исталган вазни ва кофиясига мослаб, бирданига шеър тўкиб ташларди. Хон айтган шеърини бир-икки марта ўкирди, шу жараёнда хар бир одам уни эслаб коларди ва бировнинг уни ёзиб олишига йўл кўймасди.
Хон йигинлар пайтида тўкиган бадихани мен эслаб колганман, куйида улардан айрим байтларни келтираман:
Кайси гулшаннинг юзингдек бир гули раъноси бор,
Кайси гулнинг бир манингдек булбули шайдоси бор.

Хур бирла жаннатул маъвони кўнглум найласун,
Ёрнинг кўйида юз минг жаннат ул маъвоси бор.

Юзи узра кокилу, зулфин паришон кўргали
Эй Саид, ошуфта кўнглумнинг ажаб савдоси бор.
***
Мана бу хам хон битган байтлар:
Шукрилиллох, холатим зохир бўлубдур ёрга
Эмди ёр оллида ўзни кўрсатай агёрга.
Сайр учун кирса гулистон ичра ул сарви равон
Банда бўлсун сарви озод ул каду рафторга.
Хар сабох кон йигласам айб айламанг ман зорни,
Бас кела олмам нетай бу дийдаи хунборга.
Назм:
Ахд килдингки вафо килгайсан,
Йўкки, жонимга жафо килгайсан.
Отма сен гамза ўки бирла мени,
Кўркадурманки хато килгайсен.
Манга дерсанки вафо килгумдир
Элга килгонча манго килгайсен.
Тасвир чўзилиб кетмаслиги учун шулар билан чекланамиз.
Бир куни мен хондан форсийда бадиха айтишини илтимос килдим. Каттик сўрайверганимиздан кейин хон Хожа Хасаннинг шу ерда турган девонини очишни буюрди. Очган эдим, бир газал чикди, матлаи мана будир:
Эй зи сар то бакадам жони каси.
(Эй сан, бошдин оёк элга жонсан)
Йигинда хозир бўлган одамлар хам бадихагўйлик кила бошлашди. Хон шундай байт тўкиди:
Чанд гўйики, бигў жони каси?
Рост гўямки, туи хони касе
(Неча дерсен: «Айт, кимнинг жонисан?»
Рост сўзлай: «Ўзинг биров хонисан»).
Тўгриси, хон шу байтдан бошка форсийда хеч нарса тўкимаган бўлса керак, мана шу синов байтидан хам унинг нечоглик иктидор эгаси бўлганлиги кўриниб турипти. Мусика асбобларидан уд, хушоханг дутор, сетор, чортор, гижжакни яхши чаларди. Хаммасидан хам чорторни зўр чаларди. У суяк ўймакорлиги устаси эди, ажойиб ўклар ясарди. Чармдан енг ва лочинларнинг бошига калпок тикишни хам койиллатарди, ов кушларини парвариш килишни, турли овларни ташкил килишни хам яхши тушунарди. У бу ишда бехад жонбозлик кўрсатар ва бу сохадаги билимини ўз фазилатлари ичида энг афзали деб биларди.
У хаётининг дастлабки даврида бегам, кўркмас, ишратпараст, кувнок, майхўр, эхтиросли киши бўлган, рамазондан ташкари пайтларда бир соат хам майсиз туролмаган; ўша пайтларда у хушёрлик нималигини билмаган. Унинг муборак ёши ўттиз еттига етганда, бу 928 (1521-1522) йил эди, ўтмишидан тавба килиб, такводорлик йўлини тутди.
Иккинчи китобни ёзаётганимда, хоннинг тавба килгани ва ўша йил хакида гап кетганда миямга ўша йилни билдирувчи сўзлар келди ва мен уни ёзиб кўйдим. Бул шундан

иборатки, 928 (1521-1522) йилда хон майхўрликни ташлайди-ю, аммо бошка мумкин бўлмаган одатларини  ташламайди, шунинг учун унинг тавбаси мукаммал бўлмайди. «Аллох олдида соф кўнгил билан тавба килинг» (16.8) деган Куръон оятидаги сўзлар «тавба» сўзи билан бирга охирги «бо» ва «хо» харфлари олиб ташланса, абжад хисобида 928 йил чикади.
Хожа Хованд Махмуд номи билан машхур муршидлар пешвоси Хожа Бахоуддин Махмуд Кошгарга келганда хон ўз ихтиёрини унга топширди ва бузрукворнинг мулозамати давлатига хамда маслагига кириш шарафига мушарраф бўлди. Илк тавбасидан кейин етти йил ўтгач, номумкин ишлардан тавба килди ва энди унинг тавбаси мукаммал бўлди. Куръоннинг эслатиб ўтилган оятидаги харфлар йигиндиси энди тўлик ўша йилни билдиради.
У Хожагон тасаввуф тарикатининг рухий покланиш йўлига киргач, хамиша адолат ва суннат тарикати йўлидан борди. Унинг гўзал ахлокий сифатлари ва олийжаноб ишлари шу даражада эдики, эхтимол, унгача ўтган хонларда, Увайсхондан ташкари, хеч кимда бундай фазилатлар бўлмагандир (тагин хам Аллох билади). Унинг табаррук хаётини мукаммал билишни истаган киши иккинчи китобга мурожаат килсин.

---

## Олтмиш тўккизинчи фасл. Султон Саидхон ўгли Абдурашидхон Гозининг баёни.

Хозир, 953 (1546-1547) йилда хонлик тахтида Султон Саидхон хазрати олийларининг вориси, унинг шавкатли ўгли Абдурашидхон ўтирган даврда факир банда Мухаммад Хайдар мазкур «Тарих»ни унга багишлаб, бунинг зарварагини унинг муборак номи билан безадим.
«Тарих»ни мўгул хонларидан биринчи бўлиб исломни кабул килиш шарафига муяссар бўлган Туглук Темурхон баёнидан бошлаб Юнусхонгача ишончли одамлардан эшитганларимни ёздим, битикларимга ёлгон аралашмаслиги учун шубхали маълумотларни келтирмадим. Олийжаноб инсон Юнусхондан бошлаб Султон Саидхон фаолиятининг якун топишигача бўлган вокеалар иккинчи китобдан ўрин олган. Бу ерда эса, анча-мунча изохлар билан нима зикр этилган бўлса, тасвир чўзилиб кетмаслиги учун кискаликка харакат килдик, муфассал баён иккинчи китобга ўтказилган. Бирок Абдурашидхон хаётининг баёни иккинчи китобда йўк, шу боисдан у хакда бу ерда муфассал тўхталишни маъкул топдик.
Султон Саидхон укаси Султон Халил султон билан Мўгулистонда эканлигида у ерга Мансурхон хам келди. Чорун Чолакда жанг бўлиб, унда икки ака-ука енгилди ва кочиб кетишди. Маглубиятдан кейин уларнинг Мўгулистонда колишлари мумкин бўлмай колди ва Андижонга кетишга мажбур бўлишди. У ерда хон камалди, кейин кочиб Кобулга, тогаваччаси Бобур Подшох ёнига борди, бу хакда иккинчи китобда тўлик маълумот берилади. Абдурашидхоннинг онаси оддий одамлар авлодидан бўлиб, хоннинг хизматини килсин деб уни хонга олиб беришади, ўша пайтда у хон ёнида эди. Хонни Андижонда камаб, ўзбеклар уни хондан ажратишди, ўшанда у мана шу Абдурашидхонга етти ойлик хомиладор эди. Хон Кобулга кетиб, Бобур Подшохга кўшилган пайтда, ўша хизматкор аёл ўгил тукканини хабар килишди. Хон хабарни  Подшохга билдирди, у «Унга Абдурашид деб исм кўй, чунки бу Султон Саид исми билан охангдош» деб маслахат берди. Шундай килиб, шавкатли «Абдурашидхон» исмини Бобур Подшох кўйди, бу хакикатдан хам Худо

ярлакаган исм бўлди ва у отасининг вориси бўлди.
Амаким Саид Мухаммад мирзо Фаргона вилоятида ўзбек Жонибек султонга карши урушиб, вилоятни ўзбеклардан тозалаб, Кундузга, Бобур Подшохнинг олдига киши юборди, Подшох Султон Саидхонни жўнатди. Абдурашидхон ўзбеклар кўлида эди, у амакимнинг ўша уруши пайтида озод килинди ва падари бузрукворига кўшилди. Менинг опам Хабиба Султон Хониш Самарканддан келгач, хон унга уйланди ва Абдурашидхонни унга топширди. У боланинг тарбиясини ўз кўлига олиб, унга оналик мехрини берди. Мир Гўри барлосни Абдурашиднинг отабеги килишди. Ўшанда у уч ёшда эди. Икки йилдан кейин Гўри барлос ўлди ва мўгуллар удумига кўра хон отабегиликни унинг амакиси Али Мирак барлосга топширди. Абдурашид султоннинг отабегилиги мансаби Али Мирак барлосга, унга таълим бериш эса Мавлоно Мухаммад Шерозийга юкланди. Бу ўта фозил, олийхиммат киши бўлиб, ўзининг бутун онгли хаётини мўгул хоконлари хизматига багишлаган эди. Мавлоно Мухаммад Шерозий садр лар бошлиги эди; Султон Саидхон саройида унинг таъсири кучли эди. Аслида Рашид султоннинг отабеги мана шу Мавлоно эди, Али Мирак барлоснинг эса, отабегилик номидан бўлак унга хеч бир алокаси йўк эди. Рашид султон 915 (1509-1510) йилда тугилган бўлиб, 928 (1521-1522) йилда, ўн уч ёшга тўлганда, хон уни Мўгулистонга жўнатди. Бунинг тарихи мана бундай: Султон Халил султоннинг ўгли Бобо султон, Жонибек султон Ахсида Султон Халил султонни ўлдирган вактда, бу хакда айтиб ўтган эдик, худди Рашид султон сингари Жонибек султон саройида асирда, хали эмизикли бола эди. Фаргона озод килинганда у хонга кўшилди. Шу жиянини хон ўз ўгилларидан хам яхширок кўрар эди ва уни илгари Султон Саидхон жаноби олийларига катта хизматлар килган Хожа Али баходирга топширди ва Хожа Али баходурга Бобо султоннинг отабегилиги мансабини берди.
Хожа Али баходир мўгул эди. У узок вакт Мўгулистонда яшаган, уни бехад севар ва хамиша Мўгулистонда бўлишни истарди. Шу сабабдан у хондан Бобо султонга Мўгулистонни ва киргизларни беришни сўрайди, Бобо султонни Мўгулистонга олиб кетиб, киргизлар ва Мўгулистон ишини бошкараман, дейди. Хон рози бўлиб, бунга рухсат бермокчи бўлди. Лекин амаким, гарчи Бобо султон унга куёв бўлса-да, хушмуомалалик чегарасидан ўтмасдан бу ишга рози бўлмади. У хонга: «Мўгуллар хамиша Мўгулистонга интилиб туришади. Агар Бобо султон Мўгулистонда ўрнашиб олса, хамма мўгуллар у ёкка кетишни истаб колишади. Агар буни манъ килсангиз, Бобо султон хафа бўлади, каршилик килмасангиз, одамларнинг Мўгулистонга кетиши сизга ёкмайди. Бунинг окибатида ўрталарингда хафачилик келиб чикади, натижада, катта кийинчиликлар юз беради. Аксинча, агар сиз Рашид султонни юборсангиз, у сизнинг ўглингиз, у билан канча одам кетсаям, сизга ёмон бўлмайди. Агар ёмон бўладиган бўлса, кетишларини манъ килиб кўяверасиз, бундан ўглингиз хафа бўлмайди. Гарчи Рашид султон хали ёш бўлса-да, ишнинг фойдаси учун уни Мўгулистонга юборса бўлаверади» деди. Бошка бирор киши бу фикрни маъкулламади, айникса, Мирзо Али Тогай бутунлай Бобо Султон тарафида бўлди.
Шу орада Хожа Али баходир ўз ажали билан вафот этди ва Бобо султоннинг кетиши узил-кесил йўкка чикди. Хон хам масалани Рашид султон фойдасига хал килди. Бирок бу ишни кандай ташкил килиш хакида тинмай маслахат килишарди. Амаким Рашид султоннинг ишини илгарига силжитишга уринар, бунга кўп саъй-харакат киларди. У хонга шундай деди: «Мана бундай килайлик: анчадан бери камокда ётган Мухаммад киргизни озод килайлик, мўгул улуси ичидан Мўгулистонга кетишни хохловчиларни хамда кўю-моли кўп бўлганларини ажратиб олайлик-да, хурмат-эътиборли амирлар

бошчилигида жўнатайлик». Охири хонга хам амакимнинг фикри маъкул бўлиб, худди айтилгандек килди. У Мирзо Али Тогайни бош амир килди, Мухаммад киргизни киргизларга бош килиб кўйди-да, жўнатди.
Ўша кунлари Али Мирак барлос ўлди. Мухаммади ибн Али Мирак барлос меросхўр сифатида Рашид султон хизматига кирди ва бирга Мўгулистонга кетди. Кискаси, амакимнинг саъй-харакатлари билан хон Рашид султонга ўз хонлик мол-мулкининг учдан бирини – одам, аскар, пул, чодирларни бериб, Мўгулистонга жўнатди. Жўнаш пайтида хон барча курол-аслахаларни саройга келтиришни буюрди ва менга: «Унинг киличи ва ўкдонини сиз белига богланг-да, отга ўтказинг; бу унга ок фотиха бўлсин ва харбий ишларда у сизнинг шогирдингиз бўлсин» деди. Факир банда бу топширикни бажардим. Хон ўрнидан туриб, фотиха ўкиди ва бир неча бор такрорлади: «Эсингда бўлсин, белингга биринчи килични Мирзо Хайдар боглаганини унутма, сен унинг шогирди бўлдинг. Агар сендан биров, сен  харбий ишда кимнинг шогирдисан, деб сўраса, сен нима деб жавоб берасан?». Рашид султон жавоб берди: «Мен фалончининг шогирдиман» дейман. Хон: «У эса менинг шогирдим» деди. Шу сўзлар бир неча бор такрорлангач, хон фотиха бериб уни жўнатди. Рашид султон Мўгулистонга келгач, Мухаммад киргиз бутун киргизларни тўплаб, Мўгулистонни ўзига бўйсундирди. Ўша пайтда Мўгулистонда лашкар кўпайди, буни тўлик ёритсак, тасвир чўзилиб кетади. Кискаси, ўзбек-козокларнинг хужумлари ва киргизларнинг душманликлари туфайли Рашид султон бутун мулозимлари билан Кошгарга кайтди.
Айни ўша пайтда Бобо султон ва Шох Мухаммад султон билан боглик вокеалар бўлиб ўтдики, булар иккинчи китобда ёритилади. Бу вокеаларга Мухаммади барлос хам алокадор эди. Шох Мухаммад султоннинг меросхўрлари конга кон билан касос олиш учун уни хондан талаб килишди, бирок амаким билан мен бунга каршилик килдик.
Шундай килиб, 934 (1527-1528) йилнинг кишида хон мен факир бандани Рашид султон билан бирга Балурга юборди. Факир банда у билан Балурга бориб, у ердаги лашкарнинг ишларини илгарига силжитдим. Ўшанда Рашид султон ўн саккиз ёшда эди ва унинг ёнида бирорта яхши тарбия кўрган одам йўк эди, у кандай сухбатлашиш, одамлар билан кандай муомала килишни билмасди. Аксинча, унинг ёнида Мухаммади бошлик бир тўда одамлар бор эдики, уларнинг сурати одам, сийрати молдан баттар эди. Мана шундай хайвонсифат одамлардан нимани хам ўрганиб бўларди? Мен у кадар кобилиятли бўлмасам-да, харкалай ўша тўдадаги одамлардан анча кобилиятлирок эдим. Биз Рашид султон билан анча якин алокада эдик, мен Шох Мухаммад султон ва Бобо султонларга бўлган мехр-мухаббатимни тўлик Рашид султонга кўчирган эдим. Анча муддатдан кейин хон хузурига кайтиб келганимизда хон ўглининг тамоман ўзгарганини кўрди. Бир неча марта Рашид султоннинг хузурида хам, у бўлмаган пайтда хам у менга: «Биз сиздан гоятда миннатдормиз, сиз Рашид султонни бизга ўгил килиб етиштирдингиз – бу юришда у кўп галабаларни кўлга киритди. Аллохга шукур, у менинг кўнглимдаги даражага етиб колди».
Бу орада Эмин Хожанинг Оксувдаги душманлик харакатлари хакида хабар келиб колди. Амаким билан мен уларни канча бартараф килишга уринмайлик, хеч иш чикмади. Бу вокеалар хамда Мирзо Али Тогайнинг хийла-найранглари баёни иккинчи китобда келади. Охири мени Рашид султон билан бирга Оксувга юборишди. Оксувга етганимизда одамлар бизнинг истикболимизга чикишди, Эмин Хожа султон хон олдига кетди. Мен Оксувда олти ой бўлдим, лашкар хамда Оксув халки ишларини тартибга келтирдим.
Бундан илгари хон бир куни Мўгулистонда бодом еб ўтирган эди, муборак тишларида бир

бодомни чаккан эди, ундан эгиз магиз чикди.
Хон Рашид султонни ва мени чакириб, хар биримизга биттадан магиз бериб айтди: «Муайян одат ва яхши коида борки, агар икки одам дўстлашишни хохлашса, улар битта бодомнинг эгиз магизини биттадан ейишлари керак ва улар бир-бирлари билан дўст бўлишади. Бунинг маъноси шуки, бир пўстлок ичидаги эгиз магизга ўхшаб улар бир-бирларидан ажралишмайди, айрича иш килишмайди. Эгиз эканлиги ташкаридан билинмайди, худди битта нарсадек кабул килинади. Сизлар хам шундай дўст бўлинглар, деган ниятда мен сизларга эгиз магизни ейишни буюрдим». Иккаламиз хам одат бўйича тиз чўкиб ерни ўпдик ва бир-биримизга от совга килдик. Бу хикояни айтишдан максад шуки, биз Оксувда бўлганимизда орамиздаги гўзал муносабатлар – дўстлик, хамжихатлик, мехр-мухаббат, ишонч шу даражага етдики, бундан ортиги тасаввурга сигмасди. Дўстлик тантанали ваъдалар билан мустахкамланган эди. Бу дўстлик ва хамжихатликни тавсиф этсак, бунакасини кўрмаган ўкувчи, ростдан хам буни муболагага йўйиши мумкин.
Кискаси, олти ойдан сўнг юз орзу-умидлар билан ажралишдик, мен хон хизматига йўл олдим. Хайрлашув пайтида газал ўкидим – мана унинг тўрт байти:
Зи кўи ту ба дарду гам меравем,
Жудо аз ту ба сад алам меравем.
Ту хамтои Лайли ба хусниву мо
Ба Мажнун кадам бар кадам меравем.
Нагўйки, танхо ту чун мерави?
Гамат хамрахамасту бахам меравем.
Мухити карам шох Абдурашид
Ки з-ў гарки бахри карам меравем.
Таржимаси:
Сенинг даргохингдан дард-гамда кетдим,
Сендан жудоликдан аламда кетдим.
Лайлидай гўзалсан хусн бобида,
Саргардон Мажнундай кадамда кетдим.
Демагил: «Ёп-ёлгиз кандай кетасан?»
Йўлдош: менга мехринг – шу гамда кетдим.
Мархамат денгизи шох Абдурашид,
Саховатга чўмиб, карамда кетдим.
Мен хон хизматига мушарраф бўлганимдан сўнг, бир йил ўтгач, хон Тибат газотига жўнади, мени у ёкка олдинрок жўнатди. Хон изимдан етиб келганида мен Тибатнинг баъзи вилоятларидаги ишларни тартибга солиб улгурган эдим. Тибатда беш минг лашкар тўпланди. Бу беш минг лашкар Тибатга сигмай, мен хоннинг ўгли, Рашид султоннинг укаси Искандар султон билан Кашмирга кетдик. Ўша кишни Кашмирда ўтказдим, бахорда эса хон хизматига келдим – бу хакда тўхталдик, такрорлашга хожат йўк.
Хуллас, мен хон билан Тибатда учрашишга муяссар бўлганимда хон Ёркандга йўл олди ва мени Урсангга, мажусийларнинг бутхонасини вайрон килишга юборди. Тўрт ойни йўлда ўтказдим, хон эса кайтишда йўлда оламдан ўтипди. Хон хизматидаги амирлар Рашид султонга чопар юбориб, вокеани хабар килишган. Амакимга хам бунинг хабарини юборишган ва у кабр тепасига келиб, мотам расм-русумларини бажарган.
940 йил мухаррам ойининг 10 кунида (1533 йил 1 август) Рашид султон етиб келган. Амаким дод солиб, унинг истикболига чиккан, у амакимни шу жойда ўлдирган. Амакимга

кўшиб унинг кўкалдоши Али Саидни хам шахид килган. Уларнинг шахид бўлиши «катала фи-л мухаррам» («мухаррам ойида икки киши катли») сўзларида акс этганки, бундаги харфлар йигиндиси ўша йил ва ойни билдиради.
Хукмдорлар фахрланадиган фазилатлар, яъни мурувват ва футувват ахлида шундай коида борки, агар бирорта одам уларга качондир, кандайдир яхшилик килган бўлса, улар ўша яхшиликка албатта инъом-эхсон билан жавоб кайтарадилар. Амаким – Юнусхоннинг жияни – Увайсхоннинг ўгли, унинг мўгул улуси султонлари саройидаги хизмати ота-боболаридан ўтиб келган, иккинчи китобда улусбеги мансабининг мохияти баён килинади. Амаким Рашидхоннинг отасининг энг якин одамларидан эди, унда бўлган хукук хеч кимда йўк эди. У Султон Саидхоннинг хизматида юриб, унга кўп яхшиликлар килган. Биринчиси – Андижоннинг  эгалланиши – бу хон хокимиятининг асоси бўлган. Иккинчиси – хонни Кошгарга олиб келиши, унинг саъй-харакатисиз хон Кошгар хакида ўйламасди хам.  Шунга ўхшаш кўп ишлар килган. Хон ундан миннатдор эди, у кўп марта амакимнинг хизматларини санаб ўтар ва шунга яраша эътибор кўрсатарди. Борди-ю, амаким Рашидхонга хеч бир яхшилик килмасдан, аксинча, ёмонлик килган такдирда хам куйидаги холат уни кечиришга сабаб бўлиши мумкин эди: амакимнинг Андижонга юриш килиши Рашидхоннинг ўзбеклар кўлидан озод бўлишига сабабчи бўлган эди, Рашидхоннинг Мўгулистонга кетиши ва натижада подшохлик мартабасига кўтарилишининг бошланиши хам амаким туфайли бўлган эди. Агар Мирзо Али Тогай билан Хожа Али баходирнинг маслахатлари бўйича иш килинганда эди, Рашид султон ўрнида Бобо султон бўларди. Рашидхон ишларининг равнаки учун амаким хамиша жонбозлик кўрсатарди. Гарчи Эмин Хожа султон унинг куёви бўлса-да, Эмин Хожа султондан бешта набираси бўлса-да, Эмин Хожа султон ўрнида Рашид султон бўлишини, Эмин Хожа султонни ўз холига ташлаб кўйишни лозим топганларида амаким бунга хеч бир каршилик кўрсатмаган, хатто бу ишга ўзи бош-кош бўлган. Хозир унинг хизматларини санаб ўтириш пайти эмас, албатта. Шуларнинг барчасини унутиб, бегунох одамни ўлдириш – аклга сигмайдиган иш! Яхшиси шу билан чекланиб варакларни ёпган маъкул. Хак субхонаху ва таоло нимани хохласа ўша бўлади, ишларни хайрли йўлга буриш хам унинг измида. Зеро, Куръон оятида хам: «Албатта биз Аллохнинг бандаларимиз ва албатта биз У зотга кайтгучимиздир» (2.151) дейилган.
Хаммадан хайратланарлиси шуки, Рашид султонни алдаган ана ўша иккиюзламачиларнинг  мартабаларини оширишди. Кискаси, Мирзо Али Тогайни амакимнинг ўрнига тайинлаб, Кошгарга юборишди. У Кошгарга бориб, бир зум хам кечиктирмай амакимнинг  зурриёдларини кириб ташлашга киришди.
Шайх Саид Козуронийнинг «Сийар ан-наби» (Пайгамбар хаёти) асарида ёзилган, Бадр ёнидаги жангда курайш кабиласи сардорларидан етмиш киши асирга тушишган. Курайшлар Маккадан совга-саломлар келтиришиб, шунинг эвазига асирларни озод килишган. Аби-л-Осс (Аллох ундан рози бўлсин) хам совгалар келтирган. Ана шу Аби-л-Оссга пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в) хали пайгамбар бўлмай туриб кизини беришга ваъда берган экан. Аби-л-Осс бўлса, Мухаммад Мустафо (с.а.в) пайгамбар бўлганларидан кейин хам исломни кабул килмаган экан. Пайгамбаримиз унга назар ташлаганларида, унинг назари Аби-л-Осснинг калбини кофирлик зангларидан тозалаган ва у асхобларга караб: «Калбимда ислом карор топди. Мен Маккага борамaн, кейин кайтиб келиб исломга иймон келтираман» деди. Асхоблар айтишдики: «Исломга хозир иймон келтирмок керак, чунки бу дунё учун хам фойдалидир, сен асирларни сотиб олиш учун олиб келган катта нарсаларинг Яратганнинг ва унинг расулининг изни билан кабул

бўлади». Аби-л-Осс: «Харканча кабул бўлганида хам ишни хиёнатдан бошлаган мусулмон мусулмон эмас» деб жавоб берди. Аби-л-Осс Маккага бориб, одамларнинг омонатлари бор эди, уларни эгаларига топшириб, кейин, тўпланганларга караб: «Бирор кишидан менинг карзим борми?» деди. Хамма бир овоздан: «Барча карзларингни тўладинг, сенда хеч нарсамиз колмади» деди. Шунда у (Аллох уни ўз рахматига олсин)ошкора исломга иймон келтирди ва Мадинага, расули Акрам ёнига шошилди. Пайгамбаримиз аввалги ахдига кўра Зайнабни унинг уйига жўнатди. Киссадан хисса шуки, Рашидхон хукмронлигининг аввали нохак кон тўкиш ва багрикенгликнинг етишмаслиги билан бошланди. Назм:
Калби пок окилу одил, донишманд
Одамнинг кўзгудек тасаввурида:
Тўкилган томчи кон эвази бўлмас
Бўлса жахон зари тасарруфида.
Содик инсонларни катл килгандан сўнг Рашидхон хонлик тахтига, хоконлик маснадига эга бўлди.
Саидхоннинг ўлими хакидаги хабар Мансурхонга етгач, у Оксувга жўнади. Рашидхон улуг амакисига карши рўпара бўлди. Мансурхон кўзлаган манзилига етмай ортига кайтди. Рашидхон хам ўз салтанати кароргохига кайтди. Шу ахвол Мансурхон томонидан тагин такрорланди, Рашидхон хам унга иккинчи бор карши чикди ва эсон-омон кайтиб келди.
Амаким сабабсиз-несиз ўлдирилгандан кейин одамлар хавотир оладиган бўлиб, хон амирлари унга хизмат килишдан кўркиб колишди. Мирзо Али Тогай Койир Тегинга кочиб кетди ва шоир айтганидек:
Эркак атаниб ишинг айёр хотин сингари,
Яхшиларни тугатиб ўрнин олмокчи бўлдинг.
Сен, эй жирканч ва ифлос хамда аянчли гаддор
Яхшилар кетди, сен хам ортидан йўлдош бўлгунг.
Мирзо Али Тогай ифлос шайтондек кочиб кетгач, хоннинг колган амирлари ўзаро келишиб, хоннинг баъзи ўгилларини олиб, Хўтанга кетишди ва хонга мухолифатни ошкора намойиш килишди. Рашидхон уларнинг изларидан жўнади. Хўтаннинг оддий одамлари Рашидхоннинг истикболига чикишди. Бир неча амирлар калъада колишди, уларнинг хаммасини боглаб хон олдига келтиришди. Рашидхон уларнинг конларидан кечди ва хаммасини хайдаб юборишни буюрди. Бу жиноятчи гурух катлга муносиб эди, бирок булар хонга хеч бир яхшилик килишмаган бўлишса-да, у уларни кечирди. Ва аксинча, амаким хонга кариндошлигига, унга килган сидкидил хизматларига, гунохи йўклигига, ўз садокатини неча бор исбот килганига карамай, бутун халк кўзи олдида ўлдирди. Байт:
Турфа терсдир фалак иши аксари,
Балки шундан бу козондир тескари.
Ким вафодор бўлса ахволи аянч,
Ким мунофик бўлса, дунё зўр таянч.
Хулласи калом, у амирлари билан ишни тугатганидан кейин амаки, укалари, отасининг хотинларини хайдаб юборди, шу жумладан, Султон Саидхоннинг энг суюкли хотини Зайнаб Султон хонимни хам. У илгари баён килинганидек, азалий душман бўлган Шайбон ўзбеклари билан алокаларни йўлга кўйди ва кадимдан шайбонийлар билан дўст бўлиб келган ўзбек-козокларни киришга киришди. Хар иккала тараф ўзбекларига Рашидхон ўз

сингилларини хотинликка берди. Азалий душман ўзбек Шайбон Рашидхоннинг синглисига уйлангани Рашидхон учун иснод бўлди. Кискаси, у Шайбон билан алокани яхшилаб, ўзбек-козокка кирон келтирди. Дархакикат, Рашидхон азалий удумларни писанд килмай ўзбек-козокларга кирон келтириши таажжубланарли хол эди. Юнусхон 877 (1472-1473) йилда Каротўкайда Буруж Ўглонни тор-мор килганидан то хозиргача ўзбеклар ва мўгуллар ўртасида кўп жанглар бўлди, хамиша ўзбеклар галаба килиб келди, мўгулларнинг хеч качон ўзбеклар устидан кўли баланд келмади. Рашидхон ўзбекларни енгди, бу Рашидхоннинг энг улуг ишларидан биридир. Гарчи унинг бобоси Султон Ахмадхон, зикр этиб ўтилганидек, ўзбеклар устидан зафар козонган бўлса-да, лекин бу галабани у жанг майдонида эмас, балки боскин пайтида кўлга киритган эди, Рашидхон эса уларни жанг майдонида енгди.
Шу пайтгача мен Рашидхоннинг иши хакида Хиндистон ва Кашмирдаги ишончли кишилардан эшитган гапларни ёздим. Ўзбаклар устидан галаба козонгач, у Андижон ва Турфонга жўнади, бирок бу вокеаларнинг тафсилотларини ишончли огизлардан эшитмаганим боис ёлгон маълумотларни ёзишни ўзимга эп кўрмадим ва каламимни четга сурдим. Одамлар Рашидхонга таъна киладиган барча нолойик ишларни у Мухаммади барлоснинг куткуси билан ва уни деб килган. Унинг хонга бундай таъсирининг сабаби номаълум – унинг хонни бу даражага етказадиган тегишли хизматлари хам йўк, уни бошкалардан афзал кўришга сабаб бўладиган на бирор хислати, на баходирлиги, на айтарли бирор фазилати бор. Рашидхон унинг учун шундай ишлар килдики, агар буларни баён килсак, ўша ишларни ўз кўзлари билан кўрмаган ўкувчилар бу ёзувларни муболага деб ўйлашлари аник… У Рашидхоннинг амакиларини, отасининг хотинларини, амирларни кириш ва сургун килиш ишига шунчалик харакат килдики, Рашидхонни хон харамидаги аёлларга уйланишига шунчалик кўп кутку бердики, буларнинг барчаси кишига муболага бўлиб туюлиши мумкин, шу боисдан бунинг баёнидан воз кечсак, яхши бўлади.
Шу кунларда Хак субхонаху ва таоло Рашидхонни бахтсизликдан халос килди – у анави эшак (Мухаммади барлос)ни ажалнинг эшак хайдовчиси чангалига топширди. Ишониш мумкинки, у бундан буён улугворлик жиловини акл кўлида тутади ва хавф-хатарга элтувчи кадамлардан тийилишни маъкул деб билади хамда ўз муборак аклини табаррук ота-боболари тутган йўлга буради, хар кандай эшак учун одамларни кирмайди, хар бир ишчан, имон-эътикодли одамни гунох отига ўтказишни ўзига раво кўрмайди.
Хак субхонаху ва таоло ўз адолати йўлида уни узок йиллар хонлик тахтида ва хоконлик маснадида тутсин, Аллохга ва унинг расулига тўгри келмайдиган ишлардан уни хамиша асрасин, йўкотганларини топиб, етказиб олишига кўмак берсин, омин бироббилоламин.
Гарчи Абдурашидхон одамларни яхши-ёмонга унча ажрата олмаса-да, у ўз табиатига кўра – жисмоний кучи, саломатлиги ва хушсухбатлиги билан тенги йўк эди. Мерганликда отасидан сўнг унга ўхшагани кам. Матонатда йўлбарсга ташланаётган шердек, жасорат денгизида аждахони ютаётган нахангдек эди.
У ширин калом ва хушмуомалаликда нафакат денгиздаги дурри ягона, малохат дарёсидаги гавхари фарзона эди. У мусика асбобларини шундай чалар эдики, Зухра чангининг овози унинг олдида паст, куйлар гулшанидаги булбул хониши ўз охангдорлигидан махрум бўлади. Ундаги табиат ато этган махорат насрни хушоханг шеърга айлантирарди. Ундаги истеъдод нафосат булогидан сув ичган эди.
Худо берган истеъдоди туфайли у барча санъат ва хунарлар сохасида ажойиботлар яратарди. Кайсидир хукмдор учун у мулозамат юзасидан бир канча совга-саломлар юборди, шунингдек, когоздан шундай дарахт кесди ва унинг танаси, шохлари ва

барглари худди хакикий дарахтнинг танаси, шохлари ва баргларидек килинган хамда бўялган эдики, бундаги нафислик ва табиийликни кўриб, хатто шу соханинг усталари хам койил колишган эди.
Биз Абдурашидхон билан узок вакт бирга бўлмаганимиз боис бу ерда у менинг ёнимда эгаллаган, менинг алокам бўлган хунарлари ва фазилатлари хусусида тўхталдим, холос – соз чалиши бундан мустасно, менинг бунга алокам йўк. Эхтимол, у биз ажралишганимиздан кейин хам у-бу нарсаларни ўргангандир, чунки у табиатан кобилиятли одам эди, хамма нарсага укуви етарди. Шу билан бирга, хакконият ва адолатга даъвогар мусулмон эди. Аммо, айтишади-ку, Мусога вазирликка Хомон эмас, балки Хорун кўпрок тўгри келади. Агар Фиръавннинг вазири Хорун бўлганида эди, Аллох иноятги билан хидоят динини таргиб килувчи фиръавн бўлар, бунчалик такаббур бўлмас эди.
Назм:
Сухбатдошинг сендан бўлсин баркамол,
Токи аклу дининг тополсин камол.
Эшак ишкибози – ёнингда муким,
Хаёлингда доим айилу тўким.
Сомону арпа хам кирар тушингга,
Бошка хеч бир нарса келмас хушингга.
Бундай кабохатлар кўпайиб бешак
Бора-бора ўзинг бўласан эшак.
Киссадан хисса шуки, Абдурашидхон ўз табиатига кўра адолат ва хакикатга интилди, аммо у Мухаммади барлос кўрсатмаларига ошкора риоя килди, барча ишларда у ўшанинг йўлидан юрди, шу сабабдан энг ифлос ишларга йўл очиб берди. Энди Мухаммади барлос ўлган, умид киламизки, адолат изга тушади, тинчлик ва бахт-саодат карор топади, иншооллох.

---

## Етмишинчи фасл. «Тарихи Рашидий» биринчи китобининг нихояси баёни.

Мендай укувсиз, кучсиз факирда бундай «Тарих» ёзиладиган дафтарда кобилиятсизларча калам тебратишга уриниш учун каёкдан хам журъат бўлсин! Бирок мен ишончли ровийлардан ахли ислом бўлган мўгул хоконлари хакида кўплаб маълумотлар эшитганим хамда улардан баъзиларининг хаётларини ўз кўзим билан кузатганим сабабли, ўзимга ва ўзимга ўхшаганларга караб туриб бу маълумотларни ва ўша хоконлар хаётини биладиган бирор кимсани тополмаганим сабабли шундай фикрга келдимки, агар мен ўзимда шундай журъат топмасам, мўгуллар ва мўгул хонлари ўз насл-насаб тарихларидан бехабар колишарди, ўз аждодлари хаёти хакида-ку гапирмаса хам бўлади. Агар мен бу ишни улуг олимларга таклиф килсам, улар кийинчиликларга дуч келишарди, негаки уларда хонлар хаёти хакида етарлича маълумот йўк.
Менинг бу сўзларимдан мўгул ва мўгул хоконларидан ўзга хеч ким манфаатдор эмас, чунки хозир мўгуллар кўли остида факат энг узок ва кам сонли кавмлар колган, холос. Вахоланки, качонлардир дунё мамлакатларининг тўртдан бири Чингизхон насли, авлодлари ва издошлари кўли остида бўлган.
Чингизхоннинг тўрт ўгли бўлган, у подшохликни шу тўрт ўглига бўлиб берган.

Ўгилларидан хар бирининг улусига подшохликнинг тўртдан бир кисми тегишли бўлган. Тарихий манбаларда хамма жойда улуси арбаа, яъни тўрт улус деб битилган, демак, бунда биз айтиб ўтган тўрт кавм кўзда тутилади. Олим Мирзо Улугбек ўзи ёзган «Тарих»ни хам «Улуси арбаа» («Тўрт улус тарихи») деб атаган.
Тўрт улусдан бири мўгулдир. Мўгуллар икки кисмга бўлинишган: бири – мўгуллар, иккинчиси – чигатойлар. Аммо бу икки гурух ўзаро душманлик сабабли, бир-бирларининг обрўларини оёкости килиш максадида бири иккинчисига лакаб кўйиб олган: масалан, Чигатойлар мўгулларни «жета» деб атаса, мўгуллар чигатойларни «кароунас» деб атаган. Хозирги пайтда чигатой (темурий)лардан Бобур Подшохнинг ўгилларидан иборат хукмдорлардан бошка хеч ким колмаган, чигатой (темурий)ларнинг ўрнида уларнинг азалий ерларини бошка хар хил одамлар эгаллаб олишган.
Мўгуллар эса ўттиз минг киши атрофида Турфонда ва Кошгарда колишган, Мўгулистонни эса ўзбеклар ва киргизлар босиб олишган. Гарчи киргизлар хам мўгул кавмидан бўлишса-да, хоконлар билан бўлган карама-каршиликлар туфайли улар мўгуллардан ажраб кетишган. Мўгуллар ёппасига исломни кабул килиб, мусулмонларга кўшилиб кетишган, киргизлар эса кофирликларича колишган ва шу боис мўгуллардан ажралиб кетишган. Бу  узун изохдан максад шуки, хозир мўгуллар жуда кам колишган ва чекка жойларда яшашади. Уларнинг ишлари хакидаги бу ёзувлардан мўгулларнинг ўзларидан бошка хеч кимга фойда йўк, шунинг учун мен мазкур «Тарих»ни битишни хурматли, улуг олимларга таклиф килмадим, уларни кийин ахволга солиб кўймай, дедим. Кобилиятимнинг етишмаслиги ва имкониятимнинг йўклиги буни ёзишимга монеъ бўлолмади ва мен кучсиз каламим билан укувсизлик сахифаларига имкони борича бўлиб ўтган вокеаларни зикр килдим.
Муаллифлик одобига кўра одатда ўкувчилардан узр сўрашади, борди-ю улар баёнда хато ва камчиликларни пайкашса, уларни кечиришларини ва хатоларни тузатиб, муаллифни кораламасликларини илтимос килишади. Аммо бу факир банда узр сўрашга хам журъат килмайди. Одатда муаллифлар: «агар хато ва камчиликлар бўлса» дейишади, мен эса аник биламанки, менинг асарим хато ва камчиликларга тўла, ўкувчилар кандай эътироз билдиришмасин, хаммаси ўринли.
Менинг максадим — ўз билимдонлигимни намойиш килиш эмас, балки мўгул хоконларининг номлари замон сахифаларидан батамом ўчиб кетмаслиги учун улар хакидаги хотираларни когозга туширишдир. Агар мўгул хоконларига ўз насл-насаблари ва ота-боболарининг ишлари хакида билиш керак бўлиб колса, буни улар шу китобдан топишади. Бу ерда ислом динининг таркалишига кадар ўтган мўгул хоконлари хакида «Тарих»да уларнинг номларидан бўлак хеч нарса баён килинмаган, негаки кофирлар хаттоки Жамшид ёки Заххок кудратига эга бўлишса хам эслашга лойик эмас. Булар Аллох таолонинг кахрига муносиб одамлардир.
Назм:
Истамасмиз номларини тилга олишни.
«Тарихи Рашидий» 952 (3 март 1546) йил зулхижжа ойининг сўнгги кунида гўзал Кашмирда (Аллох уни бахтсизлик ва емирилишлардан асрасин) поёнига етди, бу пайтда Хусайн кўрагон ўгли Мухаммад Хайдар, дўстлар орасида Мирзо Хайдар кўрагон номи билан машхур факир банданинг тахтга ўтирганимга беш йил бўлган эди.

давоми бор...